Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!

O'zingni anglab

HURRIYAT

Mustaqil gazeta

2017-yil 26-iyul, chorshanba ✱ № 30 (1041) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ Elektron manzil: info@uzhurriyat.uz ✱ www hurriyat.uz

ЧОРШАНБАДАН ЧОРШАНБАГАЧА

✓ 2017 йил 24 июль куни хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни туғилган куни билан табрикладилар.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 24 июлда «Ўзбекистон Республикасида лойиҳа бошқаруви тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонни имзолади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 21-22 июль кунлари Тошкент вилоятига ташриф буюрди.

✓ Жойларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!» деган ғояни ўзида мужассам этган маънавий-маърифий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари ўтказилмоқда.

✓ 20 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллик байрами қатнашчиларига байрам табригини йўллади.

"HURRIYAT" газетаси "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси самолётларида ҳам йўловчиларнинг доимий ҳамроҳи.

ДАВР ВА ШИЖОАТ

Ўзбекистонда ОАВ ривожига қаратилаётган кенг қамровли эътибор туфайли сўнгги йилларда бу соҳада кўплаб муваффақиятли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда давлат ва нодавлат ОАВларнинг ортиб бориши уларга бўлган эътибор, ишонч ва эҳтиёжнинг, сўз эркинлигининг амалдаги инъикосидан дарак.

"O'zbekiston 24" ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ ЭФИРДА

Малумки, ахборий кўрсатувлар таҳлили, энг аввало, аҳолида фаол фуқаролик позициясини ва амалга оширилаётган ислоҳотларга алоқадорлик туйғуларини шакллантиришга хизмат қилиши керак. Бироқ Президентимиз мамлакатимиздаги телерадиоканаллар ахборот хизматларидан тўлақонли фойдалана олишмаётганини таъкидлаб, жорий йилнинг 2 майида Миллий телерадиокомпания тизимида ўз фаолиятини куну тун олиб борувчи «O'zbekiston 24» ахборот-таҳлилий телерадиоканали ташкил этилиши тўғрисида қарор қабул қилган эди. Қарорда фуқароларни қийнаётган муаммолар ҳамда жойлардаги долзарб масалаларни муҳокама қилиш, уларни ҳал этиш учун давлат органлари ва ташкилотларнинг мутасадди раҳбарлари, экспертлар ҳамжамияти, академик доира вакилларининг аҳоли билан очиқ ва тўғридан-тўғри мулоқотларини ташкил этиш телеканалнинг асосий вазифалари сифатида санаб ўтилганди.

Хорижда ҳам мухбирлик пунктларига эга бўладиган мазкур янги каналнинг ишга туширилишидан кўзланган асосий мақсад аҳолига холис ва ишончли ахборот етказиш, мамлакат медиахудудини сифатли ахборот-таҳлил маҳсулотлари билан бойитиш, мамлакат ва хорижда юз бераётган сиёсат, хавфсизлик, иқтисодиёт, маданият, фан ва спорт соҳаларидаги муҳим воқеаларни тезкорлик билан оммага ҳавола этишдир.

"O'zbekiston 24" телеканалининг техник имкониятлари, студияси бошқа мамлакатларнинг жонли эфирга чиқадиган ахборот телеканаллари билан рақобатлашадиган даражада, десак муболаға бўлмайди.

Юртбошимизнинг 27 июнь — "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни"да журналистларга йўлланган байрам табригида ҳам ушбу телеканалга алоҳида урғу берилиши бежиз эмасди. *"Мен Сиз, муҳтарам матбуот аҳлининг ҳаётимизни янада эркин, обод ва фаровон этиш учун доимо фидойилик кўрсатиб яшашингизни яхши биламан ва сизларни шу йўлда ўзимнинг энг яқин ҳамкорларим ва ёрдамчиларим деб ҳисоблайман. Сизларнинг машаққатли ва масъулиятли меҳнатингиз ўз муносиб баҳосини топиши, янада самарали бўлиши учун биз давлатимиз ва жамиятимизнинг барча куч ва имкониятларини албатта сафарбар этамиз.*

Яқин кунларда иш бошлайдиган, кечаю кундуз узлуксиз фаолият олиб борадиган «O'zbekiston 24» телеканали миллий ахборот маконида ўз муносиб ўрнини ва ўз томошабинларини топади, деб ишонамиз".

4-бет

Бугунги сонда:

СОМОН ЙЎЛ АЛЁРЛАРИ

Президентимизнинг "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" номли асарида илгари сурилган ҳаётий ғояларнинг қалблардаги акс-садоларини тинглаш ва "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишларида иштирок этиш учун кетаётирмиз Ургутга.

2-3

ЁШЛАР УЮШСА, ТАРАҚҚИЁТ ЯНАДА ЮРИШАДИ

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ёшлар масаласи жамиятдаги барча муҳим ва долзарб масалалар қаторидан жой олгани, уларнинг тақдирига эътибор она Ватанимизнинг порлоқ келажагига бўлган эътибор каби тус олгани эртанги кунимиз ҳақида янада аниқ ва ижобий фикрлар билдириш учун асос бўла олади.

5

ҲАММА ОНАЛАР ЯХШИ, ЛЕКИН...

Она бўлгач, аёлнинг меҳр-муҳаббати улканлашади. Фарзандининг атрофини ҳар хил нохушликлардан қалъа, қўрғон бўлиб ҳимоя қилади.

Бир сўз билан айтганда, Она дунёнинг эзгулик буржига айланади.

6

Миллий парламент тараққиётида янги босқич ва депутатлик масъулияти

МУНОСАБАТ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида парламент палаталари, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятининг таҳлили ҳамда истиқболдаги вазифаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва маъруза қилди.

Аввламбор, ушбу йиғилиш том маънода тарихий учрашув бўлганини таъкидлаш лозим. Негаки, бу Ўзбекистон тарихида турли даражадаги халқ ноиблари, яъни салкам 9 минг нафар депутатлар корпуси вакилларининг Президент билан илк учрашуви бўлди. Мазкур учрашувда муайян ҳуқуқий мантиқийлик мавжуд бўлиб, кейинги бир ой ичида давлатимиз раҳбари судьялар ва Вазирлар Маҳкамаси, энди эса депутат ва сенаторлар билан учрашди.

Давлат ҳокимиятининг учта тармоғи вакиллари билан бундай учрашувлар, Конституциямизнинг 89-моддасида қайд этилган, **"Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди"**, деган нормани ҳаётта татбиқ этишга қаратилгандир. Шу маънода, мамлакатимиз раҳбари Конституция нормаларини қандай изчил бажариш кераклиги борасида бизга намуна бўлмоқда, халқона ибора билан айтганда, одамларни рози қилиш учун ҳаммамизни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга даъват этмоқда.

Йиғилишда эришилган ютуқлар қайд этилган ҳолда, ҳокимият вакиллик органлари, сиёсий партиялар ва Экологик ҳаракатнинг ўтган даврдаги фаолияти танқидий руҳда таҳлил қилинди, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлидаги муҳим вазифалар белгилаб берилди. Зеро, мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **"Парламентимиз ҳақиқий демократия мактабига айланиши, ислоҳотларнинг ташаббускори ва асосий ижрочиси бўлиши керак".**

Шу ўринда Президентимизнинг Олий Мажлис ва унинг палаталарига бўлган ниҳоятда катта эътибори диққатни ўзига тортади. Негаки, кўп йиллик депутат сифатида Парламент аъзоларига бу қадар юксак эътиборни кўрмаганман.

Давлатимиз раҳбари учрашувни "Меҳр – кўзда" деган самимий сўзлар билан бошлади. Чиндан ҳам, кейинги қисқа даврда Президентимиз тўрт маротаба Парламент олдида сўзга чиқди ва депутатлар ҳамда сенаторлар зиммасидаги устувор вазифаларни белгилаб берди. Бу эса "Ҳаракатлар стратегияси"нинг биринчи устувор йўналишида кўзда тутилган муҳим вазифаларнинг амалий тасдиғи бўлди.

2-бет

Ҳурматли муштарийлар,

2017 йил учун "HURRIYAT" газетасига обуна ишлари давом этмоқда. Газетамизга обуна бўлолмаганлар эса уни савдо дўконларидан харид қилишлари мумкин. Ўқинг, баҳра олинг ва уни ҳамроҳларингизга ҳам ҳадя этинг. Бундан ташқари, "Hurriyat"да чоп этилган материаллар билан www hurriyat.uz сайти орқали ҳам танишишингиз мумкин.

"HURRIYAT" ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

МУТАСАДДИЛАРНИНГ ТАҲРИРИЯТГА ЖАВОБИ

ТАНҚИД натижа берди

Матбуотда чоп этиладиган ҳар бир материалда бирор мавзу ёки масалага жамоатчилик эътиборини қаратиш, муаммолар бўлса, уларни бартараф этиш каби аниқ мақсадлар кўзланади. ОАВ ҳамда аудитория жамият тараққиёти йўлида биргаликда ҳаракатланишга ундайди. Айниқса, масъул идора ва ташкилотлар мутасаддилари ҳам бунга ўз муносабатларини билдиришса, нур устига нур бўлади. Ҳамжиҳатликда амалга оширилган иш ҳамиша яхши самара беради.

Газетамизнинг шу йил 5 июль сонида чоп этилган "Қуришга маҳкум боғлар ёхуд "тилла балиқчалар"га сув керак" номли таҳлилий-танқидий мақолада Чирчиқ дарёсида сув босими кўпайиб, натижада Парнобод бандини сув уриб кетгани ва сув пасайиб кетиши оқибатда Қибрай туманидаги қатор фермер хўжаликлар тасарруфидаги ерлар, экин далаларига бир ойдан ортиқ сув чиқариш қийинлашгани, натижада боғлар қуриб қолаётгани ҳақида сўз юритилган эди. Яқинда таҳририятимизга мақолада кўтарилган муаммо юзасидан Қибрай туман ҳокимлигидан муаммони ҳал этиш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳақида қуйидаги мазмунда жавоб хатини олдик.

Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги, — деб ёзилган мазкур жавобда, — Сизга шуни маълум қиладики, туманда жойлашган "Парноват" хўжаликлараро канали 1948 йилда қурилган бўлиб, Қибрай, Зангиота ва Янгийўл туманлари ҳамда Тошкент шаҳар ерларидан жами 8264 гектар ер майдонлари мазкур каналдан сув билан таъминланади. "Парноват" хўжаликлараро каналининг умумий узунлиги 10 км бўлиб, максимал сув ўтказиш қобилияти 9 м³/с ни ташкил этади. "Парноват" хўжаликлараро каналига сув тўғридан-тўғри "Чирчиқ" дарёсидан олинади. "Парноват" хўжаликлараро каналига сув чиқариш учун ҳар йили 7-10 маротаба "Чирчиқ" дарёсига экскаватор ва бульдозер ёрдамида дамбалар қилиниб сув чиқарилар эди. 2017 йил баҳор ойларида ёғингарчилик кўп бўлган сабабли "Чорбоғ" сув омборидан "Чирчиқ" дарёсига 600 м³/с ҳажмда сув чиқарилди.

Жорий йилнинг апрел, май ва июн ойларида эса "Чирчиқ" дарёсидан ўртача 350-400 м³/с сув узлуксиз оқиши давом этди. Сувнинг узоқ вақт узлуксиз оққани сабабли "Чирчиқ" дарёсининг "Парноват" хўжаликлараро каналига кирувчи қисмидан эни 50 метр ва узунлиги 500 метр бўлган дамбани сув ювиб кетиши оқибатида каналга сув келиши 2017 йил 4 июндан тўлиқ тўхтаган эди.

"Чирчиқ" дарёсида эса сув сарфи 350-400 м³/с дан камаймади. Бундай 350-400 м³/с сув сарфида "Чирчиқ" дарёсига экскаватор ва бульдозер тушириб ишлатиш имкони бўлмади. Шунга қарамасдан 2017 йил 20 июндан бошлаб Тошкент вилояти Чирчиқ, Оҳангарон ирригация тизимлари Ҳавза бошқармаси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги билан ҳамкорликда тегишли оғир техникалар "Парноват" канали бош иншоотига олиб келинди. Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳридан 450-500 машина харсанг тошлар олиб келиниб, дамба ҳосил қилиш ишлари бошланди. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва сув хўжалиги ходимлари билан биргаликда кўрилган чоралар натижасида 27 июнь куни "Парноват" хўжаликлараро каналига сув чиқарилди. 2017 йил 27 июнь кунида "Парноват" хўжаликлараро каналига жами 3,5 м³/с сув очилди. Нормуҳамедов ҳудудидаги фермер хўжаликларига навбатма-навбат сув берилиб, суғориш ишлари давом этмоқда.

Микроавтобус Ургут сари ўрлаб бормоқда. Машина олға интилган сайин рўпарадаги баланд тоғлар югуриб қошингга пешвоз чиқаётгандек туюлади. Булутларга санчилган карч-карч чўққиларда олмосдай ярқираётган қор парчалари кўзни қамаштиради. Машинадаги ҳамроҳларимнинг ҳаммаси маърифату маънавият кишилари ва, яна, деярли ҳаммаси ургутлик: ёнбошимда ўтирган муаррих олим Наим Обломуродов — Қуйиқишлоқ қишлоғидан; олдинги қатордаги синфдош ёзувчилар — Асад Дилмурод билан Маматқул Ҳазратқуловнинг бирови Қоратепа, бирови Мингбулоқдан; орқа томондаги ўриндиқларни тайлоқлик шоир Хуршид Нуриллo билан Самарқанд телерадиокомпанияси ходимлари эгаллашган. Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси, таниқли шоир Саъдулла Ҳаким эса ҳайдовчининг ёнбошида ўйчан салобат оғушида хаёл суриб бормоқда. Президентимизнинг "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз" номли асарида илгари сурилган ҳаётий ғояларнинг қалблардаги акс-садоларини тинглаш ва "Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон!" шиори остида ташкил этилган тарғибот-ташвиқот ишларида иштирок этиш учун кетаётирмиз Ургутга. Олдинда ҳамқишлоқлар билан бўладиган мароқли учрашувлар кутмоқда.

Машина ойнасидан лип-лип ўтаётган катта-кичик иморатларга, самоваш боғларга қарабқараб бораётиб, туйқус хаёл опқочди: бундан эллик-олтмиш йил бурунги воқеалар илкис эсимга тушди. Болалик манзаралари кўз олдимда шу қадар аниқ, шу қадар тиниқ жонланиб кетдики, отамнинг:

— Болаларим, тез туринглар, бозорга кеч қоласилар! — деган сўзлари шундоқ қулоқларим остида жаранглаб кетгандек бўлди гўё.

Отам бизни худди шундай ташвиш билан уйғотган пайтда жумлайи жаҳон ҳали сокин тун оғушида роҳатланиб ётган, Сурайё юлдузлари чўққилар ораси-

1

Сомон йўл

дан энди-энди мўралаётган қоқ ярим кеча бўларди. Мен кўзимни очгим, кўрпадан чиққим келмай бир муддат карахтланиб турар ва отамнинг ҳайқириғи иккинчи марта эшитилиши ҳамоно сапчиб туриб кетардим. Ака-ука тура солиб, кийинар, юз-қўлимизни чала-чулпа ювар-ювмас, отам ҳар бирининг устига икки қанордан сомон ортиб қўйган эшакларни халалаб, йўлга тушардик "Қайдасан, Ургут!", деб. Қишлоғимиз билан Ургутнинг ораси роппа-роса 16 чақирим – фажр палласигача шу масофани босиб ўтмасанг, сомон бозори тарқаб, молингни сотолмай, сарсон бўлишинг аниқ – шошилиш шарт, шошмасанг, армонда қолардинг. Қачонлардир шунчаки, хўжакўрсинга тош тўшалган эгри-бугри йўл эса тупроқ, чанг ва кимсасиз; ёз чилласи тупроқдан ҳил чиқади: то Ургут биқинидаги Мерганча қишлоғига довур на бир уй бор, на бир қўналға – бийдай дашту далалар ўртасида ҳурпайиб турган бир туп қайроғоч тун соясида

эртаклардаги девдай кўрқинчли кўринади. Ҳафтасига икки марталаб гоҳ эшакда, гоҳ эшакаравада бориб келавериб, теварак-атроф ўзингникидай бўлиб қолган эсада, зим-зиё тун ваҳимаси қутқу солади юракка. Бунинг устига, изгиринли ялдо тунлари гоҳ чиябўрилар галасига, гоҳ илиққан, гоҳ дайдиган итлар ҳужумига дуч келиб қолиш хавфи ҳам эҳтимолдан узоқ эмас...

Ҳозирги ёшларга шуларни айтсанг, маталингизни қўйинг, бобой, дейишига заррача шубҳам йўқ. Шундай шубҳанинг йўқлиги, бу ёшлар бизнинг эртакларга ишонмагани қандай соз, қандай гўзал! Кўрмаган-да, Тангрига тавалло қилайликки, ҳеч қачон кўришмасин. Икки қанор сомоннинг пулига эҳтиёж қолмагани, икки қанор сомон пули зора рўзғоримнинг йиртиғига ямоқ бўлса, дейдиган оилаларнинг йўқлиги эса барисидан-да улкан қувонч, улкан бахт!

Ўша замонларда бизнинг ёш вужудимизга қўрқув солган бийдай дашту далалардан энди асар ҳам қолган эмас — қир-адирлар оралаб кетган боғ-роғлар, ғаллазору жўхоризорлар денгиздай чайқалади енгил-енгил тоғ шамолларида. Бу жойларнинг бугунги эгаси 1857 та фермер. 10 020 гектар майдон уларнинг тасарруфида. Бир томонда интенсив технология асосидаги мевазор боғлар; тоғ этакларидаги лалми ерларда узумзорлар, ёнғоқзорлар, пистазорлар; бир томонда картошка, пиёз, помидор, бодринг, бақлажон, булғор қалампири –

2

дастурхонга керакли ноз-неъматларнинг ҳамма-ҳаммаси етиштирилмоқда. Собиқ даштни ханжардай кесиб ўтган йўлнинг икки қанотида кўзни қамаштиргувчи манзаралар жилоланади: Ўзбекистонимизнинг биринчи Президенти ташаббуси билан янги лойиҳалар асосида барпо қилинган турнақатор уйлар, маданий-маиший бинолар, савдо-сотиқ дўконлари, катта-кичик корхоналар... Шу йилнинг ўзида яна 145 та намунавий уйлар қурилади. 28 та ижтимоий соҳа объектларида 28,5 миллиард сўмлик ишлар бажарилади. 10 та мактаб, 7 та мактабгача тарбия муассасалари, 4 та соғлиқни сақлаш объектлари капитал реконструкция қилинади. 6 та болалар спорт объекти янгидан барпо қилинади.

Яқин-яқингача оддий ангишвонани четдан олиб келган Ургутда бугун шифер, оҳак, мармар, пластик эшик-ром, сендвич панеллар, тунука рулонлар, полиуретан хомашёлари, полиэстер толасидан полиэфир тикув ипликлар, сунъий ва синтетик чиқиндилардан нотўқима мато ва пластик маҳсулотлар, пахта толасидан газламалар, полиуретан хомашёсидан сунъий тери маҳсулоталари, виллур ва вилвет газламалар, чиройу чидамда Белгия, Туркия, Эрон, Италия каби мамлакатларникидан қолишмайдиган ранг-баранг гиламлар, пайпоқлар, пойабзаллар, жун одеяллар, спорт ва болалар кийимлари, миллий тўнлар, мактаб сумкалари, сочиқ ва салфеткалар, ёғ маҳсулотларини қадоқлаш ва полиэтилен қоплар, қопқоқлар ва капсулалар, эркагу аёлларнинг қўйлагу костюм-шимлари, пахта толасидан ип-калава, трикотаж матолар, ҳатто, бир марталик соқол олгич-у, тиш тозаловчи шўткалардан тортиб, атторлик буюмлари, нам салфеткалар, бир марталик шприц ва қўлқоп каби тиббий буюмлар ҳам шу ернинг ўзида тайёрланмоқда. Қозон, товоқ, тоғора, патнис, газ плиталари, кир ювиш машиналари, кабел маҳсулотларию ток кучайтиргичлар, электр чироқ, антенна, чангюткич, атир-упа... санаб, саноғига етолмайсан. Қисқаси, тайёрланмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Асалари, парранда, гўшт-сут маҳсулотлари, ҳатто, балиқчилик ҳам ривожланиб кетди. Иссиқхоналарда баҳордан қишгача лимондан бодринг-помидоргача ҳил-ҳил пишиб ётибди.

Ургут шажарасининг тушига кирмаган мақоматларни кўриб ўсаётган ёшлар учун бизнинг хотира-

3

лар — эртак, эртакдан бошқа нарса эмас-да, албатта! Рости, ўтмишнинг баъзи манзараларини эсласанг, қуларингниям, йиғларингниям билолмай қоларкансан ҳатто ўзинг ҳам: тамаки тизадиган оддий сим игна деган матоҳ нима бўпти? Бор-йўғи ярим қулоч бир чети тешик сим. Шу сабилни тайёрлашгаям эватайи йўқ эдида, Ургутимизнинг!

Эсласанг, олис замонлар қаъридан лоп этиб чиқиб, бошқа маконга кириб қолгандек бўлади киши. Бундай ҳолат фақат мендамикин, ёки... деб Маматқул акага гап отдим, ё, фалаксан! Маматқул ака: "Ҳув, тоғ этагида узун сўқмоқ йўл бор эди, ўша сўқмоқдан Зинак, Хўжайдуқ, Бойқишлоқ, Камангарон, Вағашти қишлоқларини оралаб, Ургутга сомон сотгани борардик", десая! "У сўқмоқлар аллақачонлар катта-катта кўчаларга айланиб кетган", деб қўшиб қўйди Маматқул ака.

Ҳа, у йўллар ҳам, бу йўллар ҳам энди тамомила бошқача: равон, кенг, ораста, асфальт. Тўғри, олам – гулистон, дегани эмас бу, ҳали ўйдим-чуқур, таъмирталаб кўчалар оз эмас. Аммо йилма-йил торайиб, сийраклашиб бормоқда бундай "ғариб"лар рўйхати. Шу жойда биттагина мисол келтирай: халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик автомобил йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурига асосан Самарқанд вилоятида биргина шу йилнинг ўзида 45 369,1 миллион сўмлик, ярим йилда 4500,0 миллион сўмлик иш бажарилиши лозим эди. Амалда эса ўтган олти ой мобайнида 9851,5 миллион сўмга тенг йўл юмушлари бажарилди. Жумладан, Ургут туманида ҳам бир қанча йўллар таъмирланди, янгилари қурилди, қурилмоқда.

Йўллар нимаси биландир инсон умрига ўхшаб кетади, эҳтимол, жудаям унақамасдир, аммо, шундай туюлади менга. Нега, десангиз, йўллар нафақат одамни манзилига элтади, балки, олам-олам хотираларни қайта жонлантиради, ўтган умрингдан алёрлар ай-

4

Миллий парламент тараққиётида янги босқич ва депутатлик масъулияти

Бошланиши 1-бетда

Бинобарин, "Ҳаракатлар стратегияси"да, давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш; қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш; сиёсий тизимни ривожлантириш, давлат ва жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш, улар ўртасида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш масалалари қатъий белгиланган.

Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистонда миллий парламентаризм тизимини шакллантириш ташаббускорларидан бири бўлиб, кўп йиллар давомида парламент аъзоси бўлган инсон сифатида қонун ижодкорлиги фаолиятини чуқур билади. Қолаверса, қабул қилинган қонунларнинг сўзсиз ижро этилишини таъминлаш бўйича улкан ҳаётий тажрибага эга.

Шу боис ҳам маърузада кўтарилган масалалар мамлакатимиз раҳбарининг парламент фаолиятини ҳар томонлама чуқур билишини яна бир бор тасдиқлади. Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар тизимида мавжуд муаммоларнинг асосли ҳамда чуқур таҳлилий-таҳлилий муҳокамаси, уларни ҳал қилиш бўйича аниқ тавсия ва ечимлар биз учун истиқболда фаолият дастури бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари парламентимиз олдига **"Депутатга беписандлик – халққа беписандлик деб баҳоланиши шарт"**, деган талабни қатъий қилиб қўйди. Президентимизнинг ҳар бир депутат салоҳияти ва фаолияти самарадорлигини оширишга ҳар томонлама бу қадар эътибори диққатга лойиқдир. Масалан, айрим депутатлар ўз ваколати тугаганидан кейин эътибордан четда қолиши, йиллаб ишсиз юриши ҳоллари учраб турарди. Эндиликда эса сўнгги ярим йилда Олий Мажлис палаталарининг 20 нафардан зиёд вакиллари юқори раҳбарлик лавозимларига тайинланди. Шунингдек, маҳаллий Кенгашлар депутатларининг қарийб 200 нафардан ортиғи жойларда етакчи лавозимларга ўтказилди.

Мустақиллик йилларида ўзига хос ўзбек миллий қонун ижодкорлиги мактаби шакилланди. Ўтган даврда қабул қилинган 400 га яқин яхлит қонунлар қаётимизнинг барча соҳаларини ҳуқуқий тартибга солиш билан бирга, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда.

"Ҳаракатлар стратегияси" доирасида биргина "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастури ижроси бўйича жорий йилда 50 та қонун қабул қилиш белгиланган бўлиб, шундан ярим йил ичида 16 таси қабул қилинди. Бир сўз билан айтганда, "Ҳаракатлар стратегияси" – яқин беш йилга мўлжалланган қонун ижодкорлиги фаолиятимизнинг ҳам истиқбол дастуридир.

Президент сиёсатида инсон манфаатлари устуворлигини, юртимиздаги пенсионерларнинг муайян бир қисми — ногиронларнинг ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис қилишлари учун барча зарур шароитлар яратишдаги саъй-ҳаракатида кўрамиз. Ногиронларни протезлар, инвалидлар коляскалари билан таъминлаш, уларнинг тураржой ва маъмурий биноларга кириб-чиқиши, метро ва автобуслардан бемалол фойдаланиши учун пандуслар ва платформалар қуриш каби масалаларда, умуман, ушбу социал тоифанинг талаб ва эҳтиёжлари, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда талайгина камчилик ва муаммолар борлигидан кўз юмиб бўлмайди.

Шу маънода, БМТ томонидан XXI асрда қабул қилинган биринчи халқаро шартнома, яъни Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияни ратификация қилиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда.

"Ҳаракатлар стратегияси"да белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга тўлақонли жорий этишда Парламентимизнинг қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва парламентлараро алоқаларини жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Мисол учун, БМТ Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш, Европа тараққиёт ва тикланиш банки директори жаноб Сума Чакрабарти ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар бошлиқлари "Ҳаракатлар стратегияси"га ва ушбу дастурий ҳужжатда парламентнинг ўрни ҳамда ваколатларига алоҳида аҳамият қаратилаётганини юқори баҳоламоқдалар.

БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Зайд Раад ал-Ҳусайн Қонунчилик палатасидаги учрашувда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принциплари ва нормаларининг миллий қонунларимизга изчил имплементация қилиниши, яъни сингдирилишини алоҳида эътироф этиб, бу тажриба хорижий парламентларга ҳам ўрнак бўлиши мумкинлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти жаҳон парламентаризми амалиётига креатив янгилик, яъни ўзига хос "ноу-хау" киритди. Яъни бугун парламент назоратининг жаҳон парламентаризми амалиётида учрамайдиган янги бир механизми – ҳар ойда депутатлар муайян тумандаги реал аҳволни ўрганиши ва унинг якунларини халқ депутатлари туман Кенгашида парламент палаталари раҳбарлари иштирокида муҳокама этилмоқда ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш бўйича амалий қарорлар қабул қилинмоқда.

Бундай механизм, бир томондан, қабул қилинган қонунларнинг амалий ижросини жойларда ҳаққоний ўрганиш учун шароит яратаётган бўлса, иккинчи томондан, халқимизнинг хоҳиш-иродасини қонунларда ва Давлат дастурларида акс эттириш имкониятини бермоқда. Энг муҳими, халқ вакилларининг бевосита ўз сайловчилари билан амалий мулоқотлари халқнинг парламентга ва юртимизда амалга оширилаётган шиддатли ислоҳотларга ишончини оширмоқда.

Масалан, мен раҳбарлик қилаётган Қўмита ўз номига кўра дунёнинг 200 га яқин давлати парламентлари таркибида мавжуд эмас. Яъни бу ноёб тизим. Бошқача айтганда, Қонунчилик палатасидаги 10 та қўмита фақат давлат органлари фаолиятига доир қонун ҳужжатларини қабул қилиш билан шуғулланса, фақат ушбу Қўмитагина бевосита фуқаролик жамияти институтларига оид қонунларни ишлаб чиқади.

Қўмитамиз "Ҳаракатлар стратегияси" доирасида 10 га яқин қонун ҳужжатлари устида иш олиб бормоқда. Хусусан, "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар киритилмоқда. Бинобарин, Президентимиз қайд этганидек, бугун ҳаётнинг ўзи парламент назорати объектлари доирасини кенгайтиришни ҳам талаб этмоқда. Амалдаги қонунга кўра, парламент фақат давлат органлари фаолияти устидан назорат олиб бориши мумкин. Бироқ хўжалик бошқаруви органлари, хусусан, "Ўзбекнефтгаз", "Ўзбекэнерго" ва бошқа компания ва бирлашмалар бундан четда қолмоқда. Шу мақсадда "Парламент назорати тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш давр тақозосидир.

Бундан ташқари, "Жамоат назорати тўғрисида"ги қонун, "Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил институтини ташкил этиш тўғрисида"ги, содда қилиб айтганда, Бизнес-Омбудсман тўғрисидаги қонун, амалдаги Омбудсман тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги қонун, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрири, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга ўзгартиришлар, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонундан келиб чиқиб, амалдаги бир қанча қонунларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун, "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури"нинг янги таҳрири тайёрланмоқда.

Бунда, авваламбор, ўзимизнинг миллий қонунчилик амалиётидан, қолаверса, бу йўналишлардаги халқаро ҳуқуқ талабларидан ва илғор хорижий тажрибадан келиб чиқиб, ўз миллий манфаатларимизга жавоб берадиган қонун лойиҳаларини тайёрламоқдамиз. Энг асосийси, мана шу қонун лойиҳалари бўйича сайловчиларимиз, фуқароларимиз хоҳиш-истакларини, шунингдек, халқ билан бевосита мулоқотлар чоғида билдирилган таклифларни инобатга олмоқдамиз.

Бу ўринда биз кимдандир қандайдир андозаларни кўр-кўрона кўчириб олиш эмас, балки халқимиз иродасини рўёбга чиқариш нуқтаи назаридан ёндашаяпмиз. Бу қонун лойиҳаларини биз фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва янги ижтимоий тармоқларнинг бевосита иштирокида, жамоатчилик эшитувларида муҳокама қиляпмиз.

Албатта, шу каби ижобий ишларимиз билан бир қаторда, Қўмита, умуман, Қонунчилик палатаси фаолиятида ҳам жиддий камчиликлар бор, бундан кўз юмиб бўлмайди. Масалан, агар Қўмита фаолиятидаги камчиликларга тўхталадиган бўлсак, экспертлар гуруҳи аъзолари салоҳиятидан талаб даражасида фойдаланмаяпмиз. Қўмита парламент назорати йўналишида қабул қилган қарорларини самарали мониторинг қилмаяпти.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, сиёсий партиялар фракцияларининг сайловолди дастурларида белгиланган мақсадларини ҳимоя қилиши ушбу қонун лойиҳаларини муҳокама этиш жараёнларида етарлича сезилмаяпти.

Дунёда идеал парламент йўқ. Чунки парламент доимо мукаммал қонунчилик сари интилади. Шу нуқтаи назардан, Қонунчилик палатасида ҳам мана шундай интилиш ва ички захиралар мавжуд.

Президентимиз маърузасидаги яна бир муҳим ташаббус диққатга сазовор. Яъни илғор хорижий тажрибалардан келиб чиққан ҳолда, Олий Мажлис ҳузурида Қонунчилик муаммоларини ўрганиш институти ташкил этилаётгани қонунларнинг сифати тубдан юксалишига хизмат қилади.

Дунёдаги бironта парламент тажрибасида учрамайдиган яна бир ноёб амалиёт хусусида ҳам тўхталмоқчиман. Сўз миллий парламентимиз тизимидаги тўртта комиссиядан бири бўлмиш Нодавлат нотижорат ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Парламент комиссияси ва Парламент ҳузуридаги Жамоат фонди ҳақида бормоқда.

Бу тизимнинг ноёблиги шундаки, бутун дунёда "учинчи сектор"га ижроия ҳокимият томонидан маблағ ажратилади. Бизда эса бу борада давлат маблағларини халқ вакиллари тақсимлайди.

Парламент Комиссияси ва Парламент Жамоат фонди сўнгги 10 йилда фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш учун Давлат бюджетидан ажратилган 60 миллиард сўмдан зиёд маблағни давлат субсидияси, давлат ижтимоий буюртмаси ва давлат грантлари шаклида 1,5 мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларига тақсимлаб берди.

Шу билан бирга, ҳозирги кунда Парламент Комиссияси ва Парламент Жамоат фонди фаолиятини тубдан янги босқичга кўтариш мақсадида зарур амалий чора-тадбирлар кўриш вақти келди.

Парламент Комиссияси таркибида шу ерда ўтирган депутатлар ва сенаторлар фаолият кўрсатмоқда. Халқ вакиллари томонидан фуқаролик жамияти институтларини қўллаб-қувватлаш тажрибаси Европа Парламентининг аъзолари, бир қатор хорижий давлатлар экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Масалан, Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ўрганиш маркази директори жаноб Соломон бизнинг Парламент Комиссиямиз тажрибасини АҚШ Конгрессида тақдимот этишни тавсия қилди.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ҳаракатлар стратегияси"ни ҳаётга изчил татбиқ этишда парламентнинг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор. Зеро, Стратегияда кўзда тутилган бешта устувор йўналиш бўйича асосий вазифаларнинг барчаси қатъий равишда ҳуқуқий маконда амалга оширилиши лозим. Бу, ўз навбатида, парламент аъзолари учун, бир томондан, шарафли вазифа бўлса, иккинчи томондан, улкан масъулиятдир.

Биз, халқ депутатлари ана шу шарафга муносиб бўлишимиз ва сайловчиларимиз, халқимиз зиммамизга юклаган бу юксак масъулиятни ишонч билан адо этишимиз шарт. Зотан, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг маърузасида жамиятимизда қонун ва адолат устуворлигини таъминлаш борасида қўйилган муҳим вазифалар, қолаверса, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз салкам етти аср илгари муаззам Оқсарой пештоқига битишни буюрган ва ҳалигача кўрк сочиб турган қуйидаги ҳикмат, яъни "Адолат – давлат асоси ва раҳбарларнинг шиори" деган даъватлари биз, халқ вакилларини янада масъулиятли бўлишга ундайди.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

алёрлари

тади, армонларингдан, қувончларингдан қиссағўйлик қилади, бажарган, бажаролмаган юмушларингни, ютуқларингни, хатоларингни, дўсту биродарларингни эсга туширади, мулоҳаза юритишга, тафаккур қилишга ундайди.

Қуддус Асқаров, Исоқ Очилов деган дўсти ҳабибларим бор Ургутда. Биттаси анча йил туман маорифчиларига раҳбарлик қилган, биттаси дўхтир. Иккoвиям ҳозир ўзимизга ўхшаган пенсионер. Аммо туманда бўлаётган воқеаларнинг ҳаммасидан бохабар, ҳаммасига аралаш; бир нафас ҳам тинч ўтиришмайди: ҳали у қишлоқда, ҳали бу идорада кимгадир маслаҳат бераётган, кимнингдир муаммосини ҳал қилиш йўлларини қидираётган ёки қайсидир тадбирда иштирок этаётган бўлишади.

— Ургутимиз азал-азалдан саркаш чашмалар-у, салсабил булоқлар салтанати, — деди яқинда учрашганимизда Қуддус Асқаров тўлиб-тошиб. — Юзлаб турнакўз булоқлар қайнаб ётибди тоғу тошлар орасида. Аммо йил бошида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ургутда "Эркин иқтисодий зона" ташкил этиш тўғрисидаги фармонининг қабул қилиниши туманда, яна юз-юзлаб булоқлар кўзларини очиб юборди. Тасаввур қилинг-а, шу Фармон асосида қиймати 281,1 миллион АҚШ доллари бўлган 80 та янги лойиҳа амалга оширилади! 5774 та қўшимча иш ўринлари пайдо бўлади. Чет мамлакатларда ишлаб юрган йигитларимиз қайтади; ўз қишлоғида тайёр иш турганда, нима қилади бегона юртларда, тўғрими? Фармон ижросини таъминлаш жараёнлари аллақачонлар қизиб кетган. "Ургут – 1", "Ургут – 2" зоналари ташкил этилди. Биринчи зона учун туманимизнинг Мерганча массивидан 144 гектар, Сариқтепа массивидан 146 гектар; иккинчи зона учун Пастдарғом туманидаги Дўстлик массивидан 66 гектар, Нуробод туманидаги Сазағон массивидан 360 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерларда ўнлаб янги корхонаю фабрикалар ташкил этилади. Тадбиркорларнинг қувонганини кўрсангиз, қанот чиққан — учиб юришибди. Ҳали айтганимдай, саксонтасининг лойиҳаси тасдиқдан ўтган, яна 33 таси лойиҳаларининг техник иқтисодий асослар ҳужжатларини тайёрлаб, ўрганиб чиқиш учун "Ургут" ЭИЗ Маъмурий кенгашига топширган.

— Камолиддин Сатторов деган укахоним бор, "LIBELLIUS PHARM" МЧЖ раҳбари, — деб суҳбатни давом эттирди Исоқ Очилов. — Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқармоқчи. 10,6 миллион АҚШ долларига тенг лойиҳа тайёрлаган. Шундан 6,6 миллион АҚШ долларини "Асака" банк кредити, 2 миллионини хорижий инвестиция, 2 миллионини ўз маблағи ҳисобидан қоплаб, 100 та иш ўрни яратмоқчи. "URGAZ CARPET" МЧЖ раҳбари Хуршид Лутфуллаев, "IDEAL ELEKTRO LYUKS" МЧЖ раҳбари Соҳиб Азимов, "SAM NEGIN" МЧЖ раҳбари Абдурашид Турсуновларнинг лойиҳалариям жуда салмоқли. Биттасиники 11, қолган иккитасиники 8 миллион АҚШ долларига тенг.

— Энг қувончлиси биласизми, нима? — суҳбатни

илиб кетди Қуддус. — Фармон шарофати билан газ, электр, телекоммуникация, сув таъминоти тубдан яхшиланмоқда. Уёғини сўрасангиз, Ургутга поезд келади! 54 километрлик янги темир йўлнинг 9 километри Пастдарғом, 5 километри Нуробод, 19 километри Самарқанд ва қолган 21 километри туманимиз ҳудудида қурилади. Ана шунда томоша қиласиз Ургутнинг гуркираб-яшнашларини!..

— Жуда хосиятли кунларда юртга келяпмиз-да, — деб хаёлимни бўлди Наим Обломуродов. — Туман пиллани бажарган, ғаллани бажарган, ҳаммaнинг димоғи чоғ, авжи баланд.

— Учрашувлар зўр ўтади.

— Манови маълумотларни кўринг! — қўлидаги қоғозга ишора қилиб давом этди Наим домла. — Ургут ярим йилда 23 миллион 353 минг Америка долларилик маҳсулотларини хорижга экспорт қилибди. 14 миллион ўрнига йигирма уч ярим миллион! Режа 165 фоиз уддаланибди. Буни 8 миллион 838 минг доллари саноат, 14 миллион 716 минг доллари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экан. Қойил-а?

Одам баъзи соҳаларни таҳлил қилаётганда, факту рақамларни тилга олгиси келмайди. Олса, зерикарли, расмиятчиликка айланиб кетаётгандек туюлади гўё. Вaҳоланки, фактлар, рақамлар тасаввурнинг жисму жони. Минг-минглаб инсонларнинг пешона тери, машаққатли меҳнати, давлатимизнинг эл-юрт ободлиги, фаровонлиги йўлида олиб бораётган изчил сиёсати мужассамдир ҳар битта рақам замирида. Мутолаа-мушоҳада қиламиз: Ургутда шу йилнинг ўзида 2 та 300 гектарлик ёнғоқзор, 1,5 гектарлик 2 та иссиқхона, 1 та картошка қадоқлаш, 5 та қайта ишлаш линиялари, 8 та музхона ишга тушади. Яқин-яқингача игна тайёрлашга кучи етмаган жойда, 18,9 миллион ўрнига, 30 миллион 210 минг долларлик саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорт қилинади. Энг муҳими, бу қандайдир хомхаёл эмас, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган режа: унга кўра экспортёр корхоналар томонидан 17180 минг доллар, янги жалб этиладиган 12 та корхона томонидан 12430 минг доллар, ҳудудий дастур бўйича 1545 минг доллар ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш орқали қувватлардан самарали фойдаланиш ҳисобидан 9500 миллион доллар экспорт амалга оширилади.

Шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш ва экспортга чиқариш йўналишида умумий қуввати 30 минг тонна, 12 та 24,5 миллиард сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш ҳам кўзда тутилган.

Туманда мева-сабзавот экспортёрлари сафи 6 тадан 15 тага, саноат маҳсулотлари экспортёрлари сафи эса 15 тадан 29 тага кўпаяди.

Мамлакат Президентининг юқоридаги Фармони Ургутда йиллар мобайнида мужгонларини чим қоплаб ётган яна бир хазина — махзанул-асрор — туризм булоқларининг кўзларини очиб юборгани билан ҳам тарихий аҳамиятга эгадир. Ахир, Ўзбекистон Швейцарияси дея улуғланувчи бу маконда ўнлаб бир-биридан мафтункор манзиллар, тарихий масканлар мавжудлиги азал-азалдан Мағрибу Машриққа аён-да! Аммо эътибор берадиган мард топилмагани туфайли ётарди ўз Колумбини кутиб. Президент Фармонидан сўнг одамлар тийнатида ҳам уйғониш, шоҳона шижоат, ғурур, ифтихор жўш урди. Ургут заминининг олис пучмоқларида ҳам тасвиру тафсилига қалам ожизлик қиладиган ишлар қизиб кетди. Ана-мана дегунча қаровсиз ётган зиёратгоҳлар ободонлаштирилди, ҳадемай Ургутда яна 10 та сайёҳлик ташкилоти тузилади, 150 ўринли 2 та кемпинг қурилади. Экотуризм бўйича Омонқўтон массивидаги Тахтақорача довони ва Ургут шаҳридаги "Чор чинор" зиёратгоҳи ҳамда яна ўндан ортиқ туристик объектлар замонавий талаблар асосида қайта реконструкция қилинади. "Ғавсул Аъзам" зиёратгоҳи ва унинг атрофида сайёҳларни кутиб олиш учун шарт-шароитлар яратилади. Аҳоли фаровонлиги, бандлиги, даромади соҳасидаги юксалишлар, янгиланишлар, ўзгаришлар... Эҳ-ҳе, айтиб адо қилиб бўлмайди. Алоҳида мавзу, алоҳида қисса буларнинг ҳар бири.

Машина аллалашига ошуфта, пойимизда ялтираб ётган йўллар Ургутдаги ана шундай мунаввар юксалишлар, Ургут ва ургутликлар ҳақида бир-биридан сурурли алёрлар айтаётгандек туюлади.

Туғёнли бу алёрлар Ургутдаги беқиёс ўзгаришлардан бир шингил, бир парча, холос. Алёрлар ўланларга, ўланлар достонларга айланади ҳали. Йўллар эса шоҳиста қўшиқлари, музаффар қиссалари билан йўловчилар қалбини соҳир хаёлларга чулғаб, суманбар севинч гулларига кўмаверади...

Абдусаид КЎЧИМОВ

ШИФЕР УМРИБОҚИЙМИ?



ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Олтмишинчи йиллар... Қишлоғимизда бир-бирига мингашиб кетган сон-саноқсиз, тупроқ томли, уззукун мўрисидан паға-паға тутун кўкка ўрлайдиган пастқам уйлар. Баҳор пайтлари бу томлар тепасида алвон лолақизғалдоқлар, чучмомалар ва айримларининг томида ҳатто лолалар ҳам очилади. Биз болакайлар кўпинча том тепасида ўйнардик... Ўша йиллар қиш қаттиқ келармикин, хуллас, қор курашдан бўшамасдик. Эрталаб бир амаллаб нарвон орқали унча баланд бўлмаган томга чиқардик ва тун бўйи ёққан қорни кураб бўлгач, нарвондан тушмасдан баландлиги яқин икки метр бўлиб қолган қор уюмига сакраб тушардик. Оқшом яна шу аҳвол, яна қор кураш...

Мен бу гапларни нима учун ёзмоқдаман? Гап шундаки, ҳозир замонимиз яхши томонга ўзгариб ҳеч ким томга чиқиб қор курамайди, ҳатто молхоналар ҳам шифер билан ёпилган. Энди илгаригидай том тепасига тупроқ олиб чиқиш, туз солиб тепкилашлар йўқ.

Ўша пайтлар маҳалламиздаги мулла Тўра ва Абдулла қозининг қизил тунука томли данғиллама уйи ҳозир ҳам сақланиб турибди, шунингдек, Булоқ маҳалласида Намозбой Одинаев, Турғун Жўраев ҳамда 12-ўрта мактабнинг «Карьер» деб аталадиган қисми томлари кичик ҳажмдаги керамик черепица билан ёпилган эди. Ҳа, ҳозирги ёшлар бунга ишонмаслиги мумкин. Бироқ бу бор ҳақиқат!

1963 йилнинг декабрида Оҳангарон цемент заводининг шифер цехи ишга тушди. Ҳамма ёкда шифер овозаси. Ўшанда шиферлар ҳажми кичикроқ бўлиб, ўзига тўқ одамлар туман раҳбарлари орқали ёздириб томларига қоқа бошладилар. Бундай уйлар аста-секин кўпая борди. Бироқ шифер ўта танқис эди. Одамлар шифер олиш учун йиллаб навбатга турардилар. Кейин ҳозирги ҳажмдаги шиферлар чиқа бошлади. Асбоцемент қувурлари пайдо булди.

Етмишинчи йилларга келиб қишлоғимиздаги барча уйлар томи шиферли ёхуд тунукали бўлди. Кези келиб, 1992 йилда мен ҳам тақдир тақозоси билан Оҳангарон шифер заводига ишга кириб қолдим ва ҳозир ҳам шу корхонадаман. Айтиш керакки, тўқсонинчи йилларгача заводда ҳар йили ўн икки миллион донага яқин шифер ишлаб чиқариларди. Ёки бўлмаса икки мингинчи йиллар бошида мамлакатда фақат ўн учта шифер ишлаб чиқаришга мўлжалланган технологик линия бўлган бўлса, ҳозир уларнинг сони элликтадан ошиб кетди. Хуллас, шифер ҳали ҳам афзал кўрилиб, харид қилиняпти ва ўтган йил бизнинг корхонанинг ўзида мавсум пайтида йигирма-ўттиз минг дона шифер сотилди.

Хўш, гап нимада ўзи?

Мана, қишлоқда бежирим қизил ва яшил металл черепицали томлар ҳам кўплаб пайдо бўляпти. Гап шундаки, шифер уларга нисбатан ҳажми каттароқ бўлиб томга қоқилганда камроқ маблағ талаб қилар экан. Бунинг устига эллик йилдан буён шифер томлар ҳали ҳам бақувват бўлиб турибди. Тунукали томлар эгалари эса ҳар йили уни бўяшга ва маълум йиллардан кейин уни алмаштиришга ҳам мажбур бўладилар.

Шу йилнинг бошида Россия пойтахти Москва шаҳрида МДҲ давлатларида асбестдан фойдаланувчилар ва уни ишлаб чиқарувчиларнинг катта анжумани бўлиб ўтди. Унда мен ҳам иштирок этдим. Маълумки, шиферннинг таркибини цемент ва асбест ташкил этади. Мамлакатимизда ҳали асбест конлари топилмаган ва шунинг учун биз ушбу хомашёни қўшни Қозоғистон ва Россиядан валюта ҳисобига сотиб олишга мажбур бўляпмиз. Чет эл валютаси конвертацияси эса бироз муаммоли... Бизга эса йилига камида ўн миллион АҚШ доллари зарур...

Анжуманда асбоцемент маҳсулотларини модернизация қилиш ҳақида гап бориб Красноярскдаги «Волна» ишлаб чиқариш комбинатида Австрия технологияси асосида рангли шиферларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги ва улар муваффақият қозонаётганлиги ҳақида илиқ гаплар бўлди. «Оҳангароншифер» акциядорлик жамиятида ҳам рангли шифер ишлаб чиқариш Эргаш Умрзоқов корхонага раҳбарлик қилаётганда бошланиб, кейин негадир тўхтаб қолганди. Айни пайтда ана шу ташаббус ўрганиб чиқилиб, корхонада рангли шифер ишлаб чиқариш синовдан ўтказилмоқда. Москвадаги анжуманга келсак, «Ураласбест» акциядорлик жамияти бош директори Юрий Козлов, Асбест шаҳри мэри Андрей Холзаков ва бошқалар жаҳонда асбестни ҳимоя қилиш билан боғлиқ тадбирлар ҳақида сўзлаб, Ўзбекистоннинг бу борада фаоллигини алоҳида таъкидлаб ўтишди. Анжуманда Ўзбекистон МДҲ давлатлари ўртасида Россиядан кейин асбестни энг кўп ишлатадиган мамлакат эканлиги айтиб ўтилди.

Шу ўринда шифер ишлаб чиқариш учун керак бўладиган муҳим хомашё — асбест тўғрисида фикр юритайлик. Мазкур толасимон минерал конлари ҳали юртимизда топилмаган. У асосан Россиянинг Урал ҳудуди ва Қозоғистоннинг Кустанай вилоятида учрайди, Бу ерда йирик асбест заводлари бор. Тўқсонинчи йиллар бошларида мазкур хомашё йўқлиги туфайли, "Оҳангароншифер" АЖ олти ойдан зиёд тўхтаб қолгани эсимда. Шунда шифер ишлаб чиқариш учун латта-путта, ғўзапоя ва шоли қипиғидан фойдаланиб кўрилди. Уларнинг бирортаси ҳам шифер тайёрлашга ярамади. Ҳозир ҳам баъзида асбест ўрнига муқобил хомашёлардан фойданиш таклифлари айтилмоқда. Аммо булар масаланинг ечими эмас. Паловни масалан макарон, гречка, картошкадан ҳам тайёрлаш мумкин. Лекин уларнинг бирортаси гуручдан тайёрланган паловнинг ўрнини босмайди. Гапнинг қисқаси, шифер тайёрлаш учун фақат асбест хомашёсидан фойдаланиш зарур.

Хўш, шифер умрибоқийми! Ҳа, у ҳали кўп яшайди! Тўла асос билан айта оламизки, асбоцемент маҳсулотларини модернизация қилиш орқали бу мақсадга тўлиқ эришиш мумкин. Халқимиз замон синовидан ўтган асбоцемент маҳсулотларини ҳали ҳам маъқул кўриб сотиб олмоқда. Йилдан-йилга унга талаб ортиб боряпти. Агар конвертация масалалари ижобий ҳал қилинса, асосий хомашёлардан яна бири — цементнинг нархи ҳам мўътадил бўлса, таннарх арзонлашади. Ҳозир мамлакатимиз асбоцемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхоналарида ўн минглаб одамлар меҳнат қилмоқда. Модомики, биз рангли шиферлар ва бошқа харидорбоп асбоцемент маҳсулотлари ишлаб чиқаришни муваффақиятли йўлга қўйиб олсак, ўз-ўзидан иш ўринлари ҳам ошади. Мутасадди ташкилотлар бизнинг бу борадаги ҳаракат ва ташаббусларимизни тўғри тушуниб, қўллаб-қувватлайдилар деган умиддамиз.

Озод ХУШНАЗАРОВ,
«Оҳангароншифер» акциядорлик жамияти касаба уюшмаси қўмитаси раиси

ЗЎРАВОНЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛМОҚДА?

КУЗАТУВ

Пойтахтнинг Чорсу бозори автотураргоҳи. "Жигули" автомашинаси эгаси уловини ўртага қўйиб кетган. Унинг дастидан бошқа уловлар чиқолмай ҳалак. Анча вақтдан сўнг ёш йигит уловга яқинлашди. Бошқалар, яъни ўзидан 10-15 ёш катталар унга дакки бермоқчи бўлиб:

– Ука, машинани шунақаям қўядими? Бир соатдан бери чиқолмай ўтирибмиз, — деди.

– Ака, хоҳлаган жойимга қўяман. Стоянка сизникими? – дея унга қарата гапираётганларнинг ёқасидан олиб, муштумзўрлигини кўрсатиб қўйди.

Яхшиямки, уларни ажратиб қўйдик. Бўлмаса, охири нима билан тугарди, худо билади. Ёш йигитда бундай важоҳат, баджаҳллик, зўравонлик, катталарни менсимаслик қаердан пайдо бўлди?

Дарҳақиқат, сўнгги пайтда ёшларнинг зўравонлиги оқибатида қотилликлар, турли жиноятлар содир этилаётгани ҳақидаги ахборотларни ОАВда тез-тез учратяпмиз. Айниқса, яқинда Боровский коллежидаги фожиали ҳодиса жамоатчиликни чуқур ўйлантириб қўйди. Афсуски, ўша жиноятчи қотиллар ҳам шу юрт фарзанди. Кимнингдир жондек жигари эмасмиди?!

Юртбошимиз ёшлар муаммоси хусусида барча чиқишларида ҳам алоҳида тўхталиб ўтмоқдалар. Айниқса, 30 июнда "Камолот" қурултойидаги нутқида қуйинганча: *"Ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари кўпайиб бораётгани кузатилмоқда. 2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят содир этилгани, ёш оилалар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилгани барчамизни жиддий ташвишга солиши керак"*, — деган эдилар.

Нечa йиллардан буён ёшлар таълим-тарбияси ҳақида гапиряпмиз, уларга барча шароитлар яратишга ҳаракат қилинмоқда. Бироқ уларнинг зўравонлик, жиноят кўчасига киришига нималар сабаб бўлмоқда? Буни бартараф этиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида соҳа вакилларининг фикри билан қизиқдик.

– Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида жиноятларнинг бу даражага етиши жуда ачинарли ҳол, – дейди Мирзо Улуғбек тумани ИИБ Ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлимининг вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарлик профилактикаси бўлим бошлиғи Ҳусан Тўхсариев. – Аксарият ҳуқуқбузарлик ҳолатларини ўрганганимизда, бекорчи, ота-она назоратисиз қолган ёки оилавий муҳити яхши бўлмаган болалар экани аниқланди. Улар ўртасида кўпинча безорилик, ғўғирлик, гуруҳ бўлиб уришиш каби жиноятларни учратиш мумкин. Уларнинг бу йўлга кириб қолишида аввало ота-она эътиборсизлиги сабаб бўлса, иккинчи омил турли компьютер ўйинлари, зўравонликни тарғиб қилувчи фильмлардир. Бундай вaҳшийликларни мунтазам томоша қилган болаларда зўравонликка мойиллик кучаяди. Улар учун жиноят писта чақишдек гап. Охир-оқибати эса мақоламиз бошланишида зикр этилган воқеа сингари аянчли бўлади. Бугун кўплаб ёшлар қўлида смартфонлар борлигини инобатга олсак, бундай вaҳший ғоялардан болаларни асраш имкони бормикан, деб ўйлаб қоласан. Айни пайтда профилактика кунлари ўқув муассасасида бўлганда, давоматдан ташқари ўқувчиларнинг телефонларини ҳам текшириб турамиз. Тадбирларимиз ўз самарасини бериб, ўқувчиларнинг оддий телефонга ўтганининг ҳам гувоҳи бўлдик. Қолаверса, ўқув муассасаларидаги турли учрашувларда жиноятларнинг келиб чиқиш омиллари ҳақида видеороликлар қўйиб берилмоқда. Булар ўз самарасини бериб, туманимизда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик сезиларли камайди. Бугунги кунда туман ҳокимиятида, ички ишлар тизимида, маҳалла йиғинларида ҳам ёшлар билан ишлаш ҳамда алоҳида вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ташкил этилди. Улар томонидан тумандаги 54 та маҳаллада 30 ёшгача бўлган уюшмаган, бекорчи ёшларнинг рўйхати олиниб, уларни маълум бир соҳага, касбга йўналтириш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ёшлар таълим-тарбияси борасида ўқитувчилар қандай фикрда экан?



– Ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлигу жиноятларнинг ортишида ота-оналар, мактаб, маҳалла – деярли барчанинг бирдек айби бор деб ўйлайман, – дейди пойтахтимиздаги 159-мактаб директор вазифасини вақтинча бажарувчи Ҳамида Мансурова. – Агар биз қоғозда эмас, амалий иш қилганимизда вазият бунчаликка етиб бормасди. Эндиликда ёшлар билан ишлашнинг янги тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Умид қиламанки, бу йил кўрсаткичлар ўтган йилгига нисбатан анча пасаяди. Фарзандга қандай тарбия, меҳр берилса, ўшандай вояга етади.

Болаларнинг энг катта ўзгариш вақти 5-синфга тўғри келади. Бу пайтда улар юқори синфга кўтарилиб, турли ўқитувчилар назоратига ўтади. Агар синф раҳбари барча болаларга эътиборли бўлса, у синфдан ёмонлик чиқмайди. Тескариси бўлса, албатта бир нохуш ҳолат рўй бериши мумкин. Демак, бу масалада катта масъулият синф раҳбарлари зиммасига юкланади. 6-, 7-, 8-синф эса боланинг улғайиш, шахс даражасига етиш палласидир. Бундай вақтда ота-она унга дўстона муносабатда, яна ҳам эътиборлироқ бўлса, фойдадан холи бўлмайди. Афсуски, бундай пайтда кўп ота-оналар "фарзандим катта бўлиб қолди, энди ўзини эплайди", дея хато ўйлаб, назоратни бўш қўядилар. Ўқувчилар эса ўқишдан кўра турли компьютер ўйинларию, телефонидаги ижтимоий тармоғу бошқа нарсаларга шўнғийди. Бундан кейин уларнинг юриш-туриши ўзгаради. Ўзларини катта ҳис қилиб, "мен"ини кўрсатишни бошлайди. Йигитлар турли ножўя қилиқ чиқарса, қизларимиз ҳам улардан қолишмай тор, очиқ кийимлар кийишни бошлайди. Бунга ота-оналар жим туришади.

Бир нарса аниқки, болани ёшлигидан тўғри йўналтирсак, ўз йўлини осон топади. Бунинг учун эса уни кўпроқ эшитиш, эътиборлироқ бўлиш, бўш вақтларини унумли ташкил этиш керак. Уларни турли тўгаракларга қатнаштириш ёки китобга қизиқишини ошириш энг самарали усулдир.

Тарбия ота-оналарга боғлиқлигини барчамиз биламиз. Афсуски, кейинги пайтда ёшлардан ҳам кўра айрим ота-оналарни тарбиялаш керакка ўхшайди. Улар орасида оммавий маданиятга берилган ёки моддийликни биринчи ўринда деб билувчилар кўп. Улар учун асрлар оша ўтиб келаётган қадриятларимиз, қаноат, яхшилик, меҳр-мурувват каби ҳислар бегонадек.

Оқибатда ўзимиздан бошқани кўрмай қолдик. Маҳалла-қўй, қўни-қўшнига, яъни Ватанга беэътибор бўлиб, лоқайдлик касалига дучор бўлдик. Моддийлик кетидан қувиб, маънавият, китоб эсдан чиқди. Ҳатто болалар тарбиясига эътиборсизлик қилаётганлар ҳам анчагина. Уларнинг наздида фарзандни моддий таъминлаб қўйса, бўлди. Бола катта бўлаверади. Аммо унга меҳрни ким беради? Ҳаётни, яхши-ёмонни унга ким англатади? Буларнинг бари имон-эътиқоди сустлигию, маънавиятнинг пастлигидан дарак. Аслини олганда ота оила устуни, она миллат тарбиячиси, оила маънавиятчиси эмасми? Оқибатда эътибордан четда қолган болалар тарбияни телекўрсатувлардан, интернет, кўча-кўйдан олмоқда. Мутахассислар фикрича, бола онгини бир сония ҳам бўш қўйиб бўлмайди. Чунки бўш қўйдингми, ёт ғояларга эргашади. Чунки у ҳали, яхши-ёмонни ажратолмайди. Мисол учун, маҳаллада бир бола танасига татуировка чиздирса, унга эргашадиган тенгқурлари албатта топилади. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шунинг учун қизми, ўғилми доим назоратда бўлиб, тўғри йўналтириб турсак, фарзандимиз ўз йўлини топиб олади.

Мақола тайёрлаш жараёнида ота-оналарнинг фикрлари билан ҳам қизиққанимизда улар мактабларда, маҳаллаларда турли тўгаракларни кўпайтириш, айниқса, спорт билан шуғулланиш, фанларни чуқурлаштириш бўйича арзонлаштирилган курслар ташкил этиш таклифини билдиришди. Албатта, репетитор ва хусусий ўқув марказлари анча қиммат. Шунингдек, бадиий адабиёт, шеърият кечаларини, иншо, диктант, баён ёзиш каби мусобақаларни кўпайтириш ҳамда ғолибларни муносиб рағбатлантириш масалаларини кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлашди.

Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда: *"Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир"*. Чиндан-да, бу сўзларни ҳар бир ота-она тўғри англаб етса, кейин афсус қилиб қолмайди, назаримизда.

Бобур МУҲАММАДИЕВ тайёрлади.



“O‘zbekiston 24” ТЕЛЕРАДИОКАНАЛИ ЭФИРДА

Бошланиши 1-бетда

24 июль куни мана шу эзгу ниятнинг самараси ўлароқ, бутун мамлакат ҳудуди бўйлаб ички ва ташқи сиёсатнинг долзарб масалалари бўйича янгиликлар журналистикасининг янги форматига асосланган «O‘zbekiston 24» телерадиоканали илк маротаба эфир юзини кўрди. Янги канал эфири ходимлар билан саломлашиш, халққа хизмат қилиш, тезкор ва очиқ фаолият олиб боришга ваъда беришдан бошланди. Эфир дастурларига давлатимиз мадҳияси йўлчироқ бўлди. Шундан сўнг ўзбек, рус ва инглиз тилларида фаолият юритувчи жамоа билан таништирилди. Эфирнинг биринчи соати давомида канал ҳаётидан лавҳалар, ТАСС, «Онадўли» каби халқаро агентликлар, таниқли шахслар, жумладан, россиялик кардиожарроҳ Лео Бокерия, Ҳиндистон ва Қозоғистон элчилари, олимлар, журналистлар ва оддий томошабинлар табриклари намойиш этилди.

«O‘zbekiston 24» SD ва HD форматларида барча учун очиқ бўлган ижтимоий рақамли узатиш пакетига киритилди. Унинг HD форматдаги трансляцияси параллел равишда UzHD каналида ҳам эфирга узатилади.

Мамлакатимиз медиа майдонида ўзига хос шижоат билан фаолият бошлаган «O‘zbekiston 24» телерадиоканали халқимиз миллий шуурини янада бойитишига, халқаро миқёсда обрў-эътибор қозонишига тилакдошмиз.

Гўзал МАЛИКОВА,
“Hurriyat” мухбири

Суратларда: “Ўзбекистон 24” ахборот-таҳлилий телерадиоканали иш жараёнидан лавҳалар.

Ё. ШАМСИДДИНОВ (ЎзА) олган суратлар

Темурбек издошлари

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XXXI ёзги Олимпиада ўйинларида мамлакатимиз ёшлари яна бир карра жаҳон майдонларини забт этишгани кечагидай ёдимизда турибди. Уларнинг мардлар майдонида кўрсатган зўр шижоати, эришган зафарлари сабаб миллий ғуруримиз — Ватанимиз байроғи кўкларда мағрур ҳилпираб, мадҳиямиз баралла янгради.

Яқинда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши билан ҳамкорликда Миллий матбуот марказида ўтказилган “Ёш авлодни мардлик ва фидойилик руҳида тарбиялаш” мавзусидаги матбуот анжуманини айни шу ишларнинг амалий давоми бўлди. Матбуот анжуманида “Замонамиз қаҳрамонлари” рукни остида чоп этилган “Ҳасанбой Дўсматов” ва “Руслан Нурудинов” номли китобларнинг тақдимоти ўтказилди ва мамлакатимиздаги ҳарбий академик лицейларга “Темурбеклар мактаби” номи берилиши муносабати билан мактаб тингловчилари юзма-юз суҳбатга тортилди.

Халқ шоири, сенатор, Мудофаа вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши раиси Иқбол Мирзо, ушбу китоб-альбом муаллифлари — Нодир Жонузоқ, Ориф Толибларнинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазалари тингланди. Мазкур китоблар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси “Ижод” жамоат фонди ҳомийлигида чоп этилди. Ушбу китоблар Ватанимиз байроғини юксакка кўтариб, юртимиз довруғини дунёга янада кенг ёяётган спортчиларимиз, жумладан, Олимпиада ўйинларида иштирок этган мамлакатимиз вакиллари орасида биринчи олтин медални қўлга киритиб, “Йилнинг энг яхши боксчиси” бўлган Ҳасанбой Дўсматов ва оғир атлетика бўйича жаҳон рекордини янгилаган Руслан Нурудиновлар ҳаёти ва фаолиятидан хабардор қилади. Шубҳасиз, уларни ўқиган ҳар бир ёш қалбида Ватанга муҳаббат ҳисси кучаяди. Спортга қизиқувчиларда эса ҳавас иштиёқини янада орттиради.

— Ҳақиқатдан, замонамиз қаҳрамонларига, халқимиз ишончига айлана олган чемпионларимиз ҳақидаги китобларнинг чоп этилиши барчамиз учун ажойиб туҳфа бўлди, — дейди севимли шоиримиз — Иқбол Мирзо. — Мақсадимиз мамлакатимиз ҳимоясига шай турган ватанпарвар ёшларни янада маънан ва жисмонан юксалтиришга хизмат қиладиган китоблар сафини кенгайтириш, Ўзбекистон довруғини кўкларга кўтариб, бутун миллат шаънини ҳимоя қилаётган асл фарзандларимиз номини тарихга муҳрлашдир.

Китобларни варақлар эканмиз, унда шоҳсупага элтувчи йўлда бўлғуси чемпионлардан сабр-матонат билан бирга тинимсиз меҳнат ва ҳаракат талаб қилинишига яна бир карра амин бўламиз.

— Кўпчиликда шаклланиб улгурган шундай фикр бор: муваффақиятларнинг бош калити — бойлик. Йўқ, мен бу фикрга қўшилмайман. Шу икки ўғлонимиз мисолида ҳам кўриш мумкинки, меҳр-оқибати кучли оила фарзандлари ҳам қаҳрамон бўла олади, — дея ўз фикрларини баён этди “Ёшлик” журнали бош муҳаррири Нодир Жонузоқ. — Чемпионларимизнинг нафақат билаги, балки юраги, маънавияти ҳам кучли. Улар бошқа соҳаларда ҳам бемалол фикр алмаша олишади.

Мамлакатимиздаги ҳарбий лицейларга “Темурбеклар мактаби” номи берилишини эса Тошкент Темурбеклар мактаби директори Алишер Назаров шундай изоҳлади:

— Тарихдан маълумки, бобокалонимиз Амир Темур ўзининг ақл-заковати, куч-қудрати ва адолати билан дунёни забт этган. Бугун эса шижоатли ёшларимиз юртимиз номини жаҳонга машҳур қиляпти. Уларни Темурбек издошлари, дея бемалол айта оламиз. Ватан ҳимоясига шай ўғлонларимизни аждодларимизга муносиб авлод бўлишга ундаш мақсадида ҳам ҳарбий лицейларимизни шундай ном билан аташни жоиз топдик.

Мард, фидойи, ватанпарвар ва маррани юксак олаётган ёшларни камол топтириш чиндан бугуннинг муҳим вазифаларидан бири. Юқоридаги каби эзгу амаллар бу йўлда хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Тадбир иштирокчилари ушбу тақдимотдан олам-олам завқ ва қувонч билан қайтдилар.

Саҳрогул ОҚБЎТАЕВА,
Ўғилой МАҚСУДОВА

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

Яхши китобни мутолаа қилсангиз, ундан маънавий озуқа, сабоқ оласиз. Бадиий асар қаҳрамонлари руҳий кечинмаларини қалбингизда туйиб, образлари билан ё дўст ёки ашаддий душманга айланасиз. Бугун китоб жавонимдан ўрин олган ана шундай янги нашрлар билан сизни таништириш ниятидаман.

Улардан бири бутун умрини ижодга, адабиётга бахшида этган адиба, муборак — юз ёш билан юзлашиб бораётган Фарида Усмонованинг “Яхшилик умри” китобидир. Фарида опа “Тошкент ҳақиқати” газетасидами ёки ёшлар театрида фаолият юритадими, ижоддан бир лаҳза чекинмаган.

Муштарийлар қалбини публицистик мақолалари билан забт этган, бадиий асарларида ҳаётий воқеликларни ўқишли қилиб ифода этаётган адиба ёшлар театрида фаолият бошлагач, бир неча драматик асарларни ҳам қаламга олади.

“Яхшилик умри” китобидан ўрин олган “Чолиқуши”, “Ҳижрон” драмалари билан бирга “Синов”, “Она бағри”, “Қиз келин” каби асарлари ҳам томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Муаллифнинг бадиий асарлари, публицистик мақолаларида ёш қизалоқнинг қувноқ кўзлари, маъсума аёл нигоҳлари ва оналарнинг меҳрли кўзлари боқиб тургандек туюлади. Масалан, Ўзбекистон халқ артисти Муккарама Турғунбоева ҳаёти ва ижодига бағишланган “Баҳор” маликаси” мақоласида аёл қалби тилга киргандек бўлади. “Яхшилик умри” китобидан ижодкорнинг “Узилган тор” қиссаси, бир неча публицистик мақолалари, саҳна асарлари ва таржималари ўрин олган.

* * *

Шарқ НМАКда чоп этилган “Сой соҳили” китобини ўқиб, кўнглим яйраб кетди. Китоб муаллифи таниқли адиб Қулман Очил ўйноқи тил, жарангдор овоз соҳибидир.

Қалами ўткир журналист танқидий-таҳлилий, бадиий публицистик мақолалари билан матбуот саҳифаларини безаётган бўлса, катта-кичик ҳаётий кечинмалар акс этган ҳикояю, қиссалари ила адабиёт ихлосмандларини хушнуд этмоқда. Муаллифнинг ўзига хос бадиий тасвири, сўзларни қўллаши ўқувчини ўзига жалб этмай қолмайди. Китобдан ўрин олган “Сой соҳили” ҳикоясида Йўлдошнинг хаста бўлган умр йўлдошини қўлларига опичлаб сойдан ўтказиши тасвирида ҳозир йиқилиб тушади, рафиқасини сувга ташлаб юборади, дея хавотирдан юрагингиз така-пука бўлиб кетади. Йўлдошнинг эркалаб жуфти ҳалолини “қаддингдан” деб чақириши, Маҳфузага муҳаббат тўла кўзлари билан боқиши қалбингизни илиқ туйғуларга ошно қилади. “Сой соҳили” китоби адибнинг бир-биридан ажойиб ҳикоялари, атоқли шахслар билан қилган адабий-бадиий, илмий публицистик суҳбатларидан ташкил топган.

* * *

Ҳоким бўлиш осонми? Бу савол кўпчиликни ўйлантириб қўяди. Даврнинг ижтимоий фаол кишиларининг ҳаёти, маънавий олами, ҳиссий кечинмалари барчамиз учун бирдек қизиқ. Хоразм ижодкори — Муҳаббат Сафоеванинг “Ҳаёт гули” тўпламида муаллифнинг бадиий публицистик мақолалари, халқ манфаатларини кўзловчи ватанпарвар кишилар билан дилдан суҳбатлар ўрин олган.

Муаллиф ҳар бир суҳбатига алоҳида масъулият билан тайёргарлик кўради, мушоҳадага чорловчи саволлари билан суҳбатдошининг ички оламига кириб боради. Истеъдодли публицист Муҳаббат Сафоева фаолиятини бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган бўлса, кейинчалик Хоразм вилояти Маънавият тарғибот марказида бўлим мудири, масъул котиб, раҳбар ўринбосари ва “Камолот пресс”, “Хонқа” газетаси бош муҳаррири лавозимларида ишлайди. Муаллифнинг “Сирли нигоҳлар”, “Исмсиз ришталар” китоблари каби янги тўплами ҳам самимий руҳ, туганмас меҳр, истеъдоду илҳом билан ёзилган.

* * *



Аждодларни ёдга олиш — ота-боболарнинг руҳини шод этиш, уларнинг ҳаёти ва қилган ишларини авлодларга эслатиб қўйиш демакдир. “Умр дафтари” муаллифи — таниқли журналист, таржимон Собит Тоиров ана шундай хайрли ишга қўл уриш баробарида ўзининг камтарин ҳаёти ва босиб ўтган ўнқир-чўнқир йўлларини қаламга олишга жазм этган.

Китобнинг “Уруш даври машаққатлари”, “Нон ташвиши” “Минг ой ва ақиқа” бўлимларини тўлқинланиб мутолаа қиласиз. “Аждодлар — авлодлар шажараси” бўлимини ўқиш жараёнида ўзингизнинг ота-боболарингиз ҳақида хаёлга толасиз. Собит ака аждодларининг ҳаёт йўлларини қаламга олар экан, улар яшаган даврдаги юртимизнинг ижтимоий ҳолати, жамиятнинг яшаш шароитини акс эттиришга уринган. Китобни мутолаа қилиш мобайнида нафақат бадиий, эстетик завқ оласиз, балки тарихий билимларга эга бўласиз.

Китоб ўқишни бошлашингиз билан саҳифалар орасидан офтоб кўтарилиб қалбингизга, маънавий оламингизга нур таратаётгандек бўлади. Инсон доимо ёруғликка, юксакликка талпиниб яшайди. Мутолаа қилиш бизнинг мана шу талабимизни қондиради, руҳиятимизга зиё улашиб, дунёқарашимизни юксалтиради.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Hurriyat” китобхони

Асли қадимий жанр

2-АУДИТОРИЯ

2017 йил юртимизда “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” деб номланди. Халқ билан мулоқотни амалга оширишда эса журналистика, ОАВ асосий воситачилардан биридир. Зотан, мулоқот — журналистиканинг бирламчи категорияларидан ҳисобланади. Журналистикада айнан мулоқот, яъни суҳбатлашиш, сўзлашув воситасида вужудга келган муайян жанрлар ҳам мавжуд. Булар – интервью ва суҳбат жанрларидир.

Бугунги кунда соҳамизнинг тезкорлик билан ривожланаётганини ҳисобга олсак, жанрларнинг амалда қўлланилиши борасида ҳам қатор ўзгаришлар кузатилмоқда. Бу ўзгаришлар журналист ва халқ ўртасидаги мулоқотнинг амалий ифодаси ўлароқ, интервью-суҳбат жанрида ҳам кўзга ташланади. Диалог шаклига эга жанрнинг интервью ва суҳбат турларига бўлиниши ёки бўлинмаслиги борасида назариётчи, тадқиқотчилар томонидан кўплаб изланишлар олиб борилган.

Журналистика илмида жанрлар тизими бўйича хорижлик мутахассислар Г.Килленберг, Д.Савацки, Д.Рендалл, Э.Фихтелиус, А.Тертичний, Г.Лазутина, М.Лукина, Л.Кройчик ҳамда ўзбек олимлари Т.Қозоқбоев, М.Худойқулов Ҳ.Саидов, Н.Тўхлиева, А.Нурматов, Ё.Маматова, изланишлар олиб борганлар. Аммо интервью ва суҳбат жанрларининг замонавий журналистикада қўлланилиши, уларнинг ўзига хосликлари, муштарак ва фарқли жиҳатларининг амалий таҳлилига кам аҳамият берилган. Шу пайтгача олиб борилган илмий тадқиқотлар интервью ва суҳбатни битта назарий аспектда, муайян давлатлар, муайян ОАВ доирасида ўрганилган. Аслида бу назарий жиҳатдан тўғри. Шунга қарамай, суҳбатнинг интервьюдан фарқ қилувчи жиҳатлари ва ўзига хосликларини ўрганиш, суҳбатнинг специфик жиҳатларини жаҳон ва миллий матбуотнинг муайян нашрлари асосида тадқиқ этиш, журналистика ва аудиториянинг коммуникатив муносабатларини аниқлашда унинг аҳамиятини кўрсатиб бериш ҳам долзарб аҳамиятга эга. Бунинг учун, энг аввало, ушбу жанрларнинг пайдо бўлиш тарихига назар ташлаш лозим.

Тарихдан маълумки, журналистик жанрлар бирма-бир, турли даврларда вужудга келган. Жумладан, фельетон жанри XVIII асрда пайдо бўлган, эссенинг вужудга келиш тарихи XVI-XVII асрларга бориб тақалади. Аммо интервью анча кейинроқ — XIX асрда алоҳида жанр сифатида пайдо бўлди. Бунгача у жанр сифатида ажратиб кўрсатилмаган бўлса-да, сўров, савол-жавоб усуллари орқали ахборотларни йиғиш, тўплаш қадимги даврларда вужудга келган.

Интервью жанри журналист ва респондент ўртасидаги савол-жавоб тарзидаги мулоқот натижасида вужудга келади.

Савол-жавоб услуби билан кўпгина илмий адабиётлар, фанда янги фикр ва ғоялар вужудга келган. Икки буюк ўзбек олими — Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синонинг савол-жавоблари, антик давр файласуфлари Суқрот ва Платоннинг суҳбатларини олайлик. Улар орқали ҳар бир инсон ўз-ўзига берадиган, яшаш, ҳаёт ҳақидаги саволларга жавоб олиши мумкин. Ёки “тарих отаси” — Геродотнинг тўққиз китобдан иборат “Тарих” асарининг ёзилиши жараёнлари ўрганилганда, ушбу китобнинг сўраб-суриштириш йўли билан яратилганини муаллифнинг ўзи таъкидлаб ўтган.

Эътибор берсак, мумтоз асарларда, хусусан, улуғ фақиҳ Абу Лайс Самарқандий, мутафаккир шоир Жалолиддин Румий асарларида: “Фақиҳ Абу Лайс дедилар...”, “Мавлоно шундай дедилар...” тарзидаги кириш жумлаларни ўқиймиз. Бу эса, мазкур китобларнинг савол-жавоблар ҳосиласи ўлароқ вужудга келганини англатади.

Ушбу мисоллар интервью-суҳбатнинг дастлабки кўринишлари сифатида илмий адабиётларда кўрсатилмаса-да, улар мазкур жанрнинг унсурларини ўзида намоён этганини инкор этиб бўлмайди. Ўзбек публицистикасида интервьюнинг илк кўринишлари пайдо бўлиши ҳақида илмий адабиётларда шундай ёзилади: “Интервьюнинг дастлабки кўринишлари анча қадимга бориб тақалади. Илк эпик асарлардан бири “Қутадғу билиг” асосан тўрт қаҳрамоннинг турли мавзудаги савол-жавоби асосига қурилган. Мумтоз адабиётимизда алоҳида “мунозара” ёки “саволу жавоб” деб аталувчи жанр мавжуд. Алишер Навоий, Форобий, Огаҳий, Беҳбудий, Фурқат каби ўз даври намояндаларининг ижодларида устоз-шогирд, ота-бола, подшоҳ ва фуқаронинг ўзаро суҳбатларига кўплаб мисоллар мавжуд...”.

Илмий адабиётларда ёзилишича, XIX аср ўрталарига келиб матбуот нашрлари сони бирмунча ошганига қарамасдан, интервью жуда кам тарқалган эди. Журналистлар таниқли сиёсатчилар, дипломатлар билан суҳбатлашишган, лекин газеталарда бу суҳбатларнинг асосий мазмуни, моҳияти берилган, холос. Ва ниҳоят, 1890-йиллардан савол-жавоб кўринишидаги (интервью) материаллар Нью-Йорк газеталарида кенг тарқала бошлади. Аср сўнгига келиб, ушбу жанр Европада ҳам тарқала борди. Айниқса, Британия журналистлари интервьюдан кенг фойдалана бошлашди. Кейинчалик у Франция, Германия, Италия журналистикасида ҳам намоён бўлди. Машҳур инглиз журналисти У.Стид интервьюни “Американинг характерли кашфиёти” деб атайди. Айнан у Англия даврий нашрларида Америка матбуотидан ўзлаштирган ҳолда интервьюнинг биринчи намуналарини чоп этади. Немис назариётчилари, масалан, Э.Довифат 1927 йилда эълон қилинган китобида ушбу жанрни “Америка янгилиги” деб атайди. Ушбу манбаларга таяниб айтиш мумкинки, илк интервью жанридаги материал АҚШда пайдо бўлган.

XX асрнинг 30-йилларига келиб, интервьюнинг ҳар хил турлари пайдо бўлиб, даврий нашрларда эълон қилина бошланди. Чунки оммавий нашрлар сонининг ортиб боргани сари ахборотнинг ишончлилигини таъминлаш энг муҳим вазифалардан бири сифатида журналистнинг зиммасида эди. Шу сабабли зарур ахборотнинг қуруқ ўзини эмас, уни бевосита ахборот манбаси тилидан беришга эҳтиёж туғилди. Бу, бир тарафдан, ўқувчиларнинг берилаётган ахборотга нисбатан ишончини ошириса, бошқа томондан, бирор воқелик ҳақида маълумот берган шахснинг сўзлари шундайлигича оммага узатилиши орқали ахборотнинг тўғрилиги юзасидан масъулият фақатгина журналист зиммасига тушмайди. Шунингдек, интервью-суҳбат жанри сўз эркинлигининг бир кўриниши сифатида намоён бўлади. Яъни жамиятни ташкил этувчи шахсларнинг фикрларини беришда ҳам бу жанрдан фойдаланиш эҳтиёжи орта борган.

Тадқиқотчи ва олимлар орасида интервью жанрига хос хусусиятларни қадимий материаллар асосида ўрганувчилар ҳам мавжуд. Улардан бири грузиялик профессор П.Нацвлишвили бўлиб, у ёзувчи ва саёҳатчи Тимоте Габашвили томонидан 1750 йилда ёзилган “Мимоселва” асарини илк интервью сифатида кўрсатади. Муаллиф бу асарда интервью жанр сифатида яққол намоён бўлганини таъкидлайди. Бу интервьюларнинг асосий респонденти машҳур юнон илоҳиётчиси Евгениос Болгарис бўлган.

Журналистикага оид тадқиқотларда фақатгина интервью жанрининг пайдо бўлиш тарихи келтирилади. Аммо Мухтор Худойқулов “Журналистика ва публицистика” китобида суҳбат жанри ҳақида қуйидаги маълумотларни беради: “Жаҳон ва ўзбек матбуотида суҳбат жанрининг усталари кўп. Ўтган асрнинг 70—80-йилларида рус матбуотида фаолият кўрсатган В.Песков, Т.Тэсс, Г.Сагал ва бошқалар суҳбат жанрида фаолият кўрсатишган. Ўзбек матбуотида суҳбат жанри билан кўпгина журналистлар шуғулланадилар. Булар орасида журналист Анвар Жўрабоев алоҳида ўрин тутарди... Унинг жаҳонга машҳур бўлган рус ёзувчиси Михаил Шолохов, Доғистондан чиққан машҳур шоир Расул Ҳамзатов, Лотин Америкасининг таниқли адиби Габриэл Гарсия Маркес ва бошқалар билан қилган суҳбатларини кўпчилик қизиқиб ўқиган эди”.

Интервью-суҳбатнинг тарихини ўрганишдан аён бўлдики, дастлаб фақат интервьюга журналистик жанр сифатида қаралди. Аммо суҳбат тушунчаси, атамаси анча кейин маълум бир илмий тадқиқотларда ажратиб кўрсатила бошланди. Шундай илмий адабиётлардан бири россиялик олим, филология фанлари номзоди А.Тертичнийнинг “Жанры периодической печати” номли тадқиқотидир. Унда муаллиф суҳбатни таҳлилий жанрлар гуруҳида алоҳида жанр сифатида кўрсатади. Тадқиқотчи фикрича, суҳбат кўп йиллар мобайнида матбуот саҳифаларида кенг қўлланиб келинган. “Литературная газета”, “Известия” ва бошқа нашрларда бир неча йиллар “Айлана стол атрофидаги суҳбатлар” («Беседы за «круглым столом») юритиб келинган.

Бу адабиёт 2000 йилда нашр қилинган. Аммо бу суҳбатнинг пайдо бўлиши шу давр билан белгиланади, дегани эмас. Ҳозирги кундаги суҳбат жанрининг назарий асосларига мос келувчи журналистик материаллар илгари ҳам даврий нашрларда чоп этилган. Аммо уларнинг барчаси интервью номи билан аталган.

Кумушбиби ЭРМАМАТОВА,
тадқиқотчи-журналист

ЁШЛАР ҮЮШСА, тараққиёт янада юришади

ШАРҲ ЎРНИДА

Бугунги кунда бутун дунёда ёшлар масаласи нечоғли муҳим ва долзарб аҳамият касб этаётгани барчамизга маълум. Бинобарин, дунё ўзгармоқда, мамлакатлар тараққиёт борасида етакчиликни қўлга олиш учун астойдил курашга кирган. Шу билан бирга, Ер юзининг айрим нуқталарида инсониятни қаттиқ ташвиш ва изтиробга солаётган турли нохуш воқеалар, урушлар ва тўс-тўполонлар содир этилиб, камига ҳар хил ёт оқимлар, тушунча ва ғоялар, анъаналар ва маданиятлар пайдо бўляпти.

Бундан ташқари, ҳозир жаҳон миқёсида диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, айрим халқларнинг эътиқодлари, оилавий қадриятларига путур етмоқда. Булар эса ўша мамлакатлардаги навқирон авлоднинг онги-шуури, тафаккури ва дунёқарашига салбий таъсир кўрсатмоқдаки, йигирма биринчи асрга келиб ёшлар масаласи жаҳонда ҳаёт-мамот масаласи сифатида тан олинаётгани бежиз эмас.

Айрим маълумотларга эътибор қаратамиз. Дунё матбуоти ва интернет сайтлари замин аҳлини Сурия, Ироқ, Афғонистон каби мамлакатларда кунда-кунора рўй бераётган урушлардан огоҳ этмоқда. Эътибор беринг: ҳозир урушларга тортилган мамлакатлар сони 20 га яқинлашиб қолибди. Энг ачинарлиси, уларда болаларга қарши оғир жиноятлар содир этилмоқда. Афғонистон, Конго, Нигерия, Покистон, Сомали, Судан ва Яманда ўн миллиондан ортиқ бола гуманитар ёрдамга муҳтож. 2015 йилда Марказий Африка Республикаси, Ироқ, Жанубий Судан, Фаластин, Сурия, ва Украинада 15 миллион бола қуролли тўқнашувлар марказида қолиб кетган. Қонли можаролар авж олган минтақа ва мамлакатларда 230 миллион бола яшамоқда. Шунингдек, айрим хорижий мамлакатларда ёшлар тарбиясига ёмон таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳаёти ва келажагини, жамиятда тутган ўрнини бутунлай издан чиқариб юбораётган, башариятнинг ахлоқ нормаларига мутлақо тўғри келмайдиган ҳар хил кўринишдаги "замонавий ҳодисалар" пайдо бўлмоқда. Бу эса бутун дунёни сергак торттириб, вазиятни яхшилаш юзасидан зудлик билан зарур чора-тадбирлар кўришга мажбур қилаётир.

Шукрки, жондан азиз Ўзбекистонимизда туну кун тинчлик ҳукмрон. Халқимиз энг улуғ ва азиз неъматнинг қадрига етиб яшамоқда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳаётга янгича ёндашуви, олиб бораётган сиёсати, қабул қилинаётган фармонлар, қарорлар ва қонунларнинг изчил ижроси, жойларда халқ билан ўтказилаётган мулоқотлар, ҳудудлардаги улкан бунёдкорлик ишлари, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини янада оширишга қаратилган барча саъй-ҳаракатлар туфайли бугун жамиятимизнинг қатор жабҳаларида сезиларли ўзгаришларга гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб вояга етказиш, уларнинг чуқур билим олишлари, келгусида етук ва малакали кадрлар бўлиб етишишлари учун дунёнинг ҳеч бир ривожланган мамлакатидан қолишмайдиган шарт-шароитлар яратиб бериш борасида талайгина эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозир бундай ҳаракатлар ва тадбирларнинг қўлами кундан кун ортаётганини ҳаётий мисолларда кўряпмиз.

Хусусан, шу йил 30 июнь куни Президентимиз бошчилигида ўтказилган Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг IV қурултойини "ойнаи жаҳон" орқали ҳар биримиз алоҳида эътибор ва қизиқиш билан кузатдик. Йиғилишда бугунги кунда ёшларнинг ўй-фикрлари ва мақсад-муддаоларини ўзида мужассам этган бир қатор муҳим масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилиб, мамлакатимизда ёшлар сиёсати бўйича олиб борилаётган ишларга танқидий баҳо берилди, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, "Камолот" ҳозиргача бутун Ўзбекистон ёшларини бирлаштирган, том маънодаги оммавий ҳаракатга айлана олмагани, у асосан ўз атрофида Ҳаракат фаолиятига хайрихоҳ бўлган ёшларни уюштириб, фақат уларни қизиқтирган масалалар юзасидангина иш олиб боргани, натижада ёшларнинг кенг қатламларига тааллуқли бўлган долзарб масалалар, аввало, ёшларнинг бандлигини таъминлаш, уларни катта мақсадлар сари сафарбар этиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш, қисқача айтганда, ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзини ҳақиқий ёшлар ташкилоти сифатида кўрсата олмагани тилга олинди.

Президент ушбу учрашувда юртимизда уюшмаган ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратди. Дарҳақиқат, бугунги кунда ёшлар орасида ишсизлик, бекорчилик ва уларга нисбатан эътиборсизлик авж олган мамлакатларда кўплаб ўғил-қизларнинг жиноят кўчасига кириб, ҳатто бутун дунёга жиддий хавф солиб турган диний экстремистик гуруҳлар ва ноқонуний диний оқимларга қўшилиб, ёлғон ва пуч ваъдаларга "чув" тушиб қолиш ҳолатлари ҳам учраяпти.

Хўш, уюшмаган ёшлар ким ўзи?

Давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда, булар, ишламайдиган, ўқимайдиган, тайин бир машғулотга эга бўлмаган, салбий таъсирларга берилувчи ёшлардир. Афсуски, юртимизда ёшлар ўртасида жиноят содир этиш, диний экстремистик оқимларга, террорчи гуруҳларга қўшилиб қолиш ҳолатлари учраб турибдики, бу ҳақда матбуот ва оммавий ахборот воситалари орқали хабар топяпмиз.

Биргина 2016 йилда ёшлар иштирокида 1 миллион 740 мингга яқин ҳуқуқбузарлик, 23 минг 440 та жиноят, ёш оилалар ўртасида 8 мингдан ортиқ ажралиш ҳолати қайд этилганининг ўзиёқ масаланинг қанчалик жиддий тус олганидан далолат беради.

Шу ва бошқа маълум сабабларга кўра, мамлакатимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатининг энг устувор вазифаларидан бирига айланди. Эндиликда бунга бутунлай янгича руҳ ва услубларда ёндашилиб, эртанги кун эгаларининг тақдири ва келажагига масъуллик ҳисси сезиларли даражада ошди. Бундай ислоҳотлар жамиятимизнинг турли соҳаларида кўзга ташланмоқда. Инчунун, бугунги ёшлар билим ва тафаккур, иқтидор ва интилиш борасида кечаги ёшлардан бутунлай фарқ қилиши, шунга монанд уларга бўлган ишонч ва эътибор ҳам юксалиб, амалда кўплаб ижобий натижаларга эришилаётгани кўплаб ҳаётий мисолларда намоён бўлмоқда.

Ҳозир Ватанга садоқати баланд бўлиб, унинг равнақига ўзини масъул деб билган, маълум бир соҳада юксак билим ва иқтидорини намоён этган, мустақил фикрлайдиган, аниқ мақсадлар сари дадил илдамлаётган, кўзлари ёниб, қадамларидан ўт чақнаб турган ёш йигит-қизларни нуфузли идоралар ва ташкилотларда раҳбарлик вазифасида кўряпмиз. Шунингдек, Президентимизнинг жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятларга қилаётган ташрифлари давомида ҳам ёшлар масаласига бўлган эътиборнинг ёрқин намуналарига гувоҳ бўлаяпмиз.

Давлатимиз раҳбари ҳар бир учрашувда бошқа соҳалар билан бир қаторда, ёшларнинг иш билан қай даражада бандлиги, ҳудудларда, айниқса, чекка қишлоқларда ўғил-қизларнинг малакали билим олиши, унумли меҳнат қилиши, тадбиркорлик, касаначилик ва ҳунармандлик каби соҳалар билан қай шароитда шуғулланишларига алоҳида аҳамият қаратиб, мавжуд муаммоларни очиқ-ошкор тилга олмоқда, ўз ўрнида уларнинг ечими юзасидан аниқ таклиф ва кўрсатмалар бериб, изчил ижросини таъминлаш учун барчани бирдек даъват этмоқда.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Президент Шавкат Мирзиёев юқорида зикр этилган йиғилишда ҳозирги вақтда "Камолот"нинг 4 миллионга яқин аъзоси бўлиб, бу мамлакатимиздаги 10 миллиондан зиёд йигит-қизнинг 40 фоизини ташкил этаётганига урғу берди. Шунингдек, бир қарашда, 4 миллион салмоқли рақам бўлиб кўринса-да, ташкилотга аъзолик кўп ҳолларда фақат қоғозда мавжудлиги, амалда эса аксарият аъзолар "Камолот" тўғрисида аниқ тасаввурга эга эмаслиги, унинг мақсад ва вазифаларини билмаслиги, ўз етакчиларини танимаслиги, Ҳаракат фаолиятида иштирок этмаслиги ҳам танқид қилинди. Қурултойдан бир ҳафта ўтмай, Ўзбекистон Репсубликаси Президентининг "Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, Ўзбекистон ёшлар иттифоқига 2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасидаги ислоҳотларда ёшлар фаоллигини ошириш билан боғлиқ бир қатор янги ва муҳим вазифалар қўйилди. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширилишида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорликни таъминловчи, "Ёшлар – келажак бунёдкори" шиори остида профессионал фаолиятни амалга оширувчи тузилмага айланади.

Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолияти устидан самарали жамоатчилик назоратини ташкил этиш, натижаси бўйича таъсирчан чоралар кўриш мақсадида Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳуқуқий ва амалий ваколатлари кенгайтирилди, тегишли имконият ва имтиёзлар берилди. Шу билан бирга, Фармонда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини такомиллаштиришга доир комплекс чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш вазифаси белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашига юклатилган вазифаларни амалга оширишда яқиндан кўмаклашиш, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда иштирок этувчи ваколатли идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги қонуни талабларини ҳаётга тўлақонли жорий этиш ва назорат ўрнатиш мақсадида Ёшлар масалалари бўйича республика идоралараро кенгаши ташкил этилди.

Ўйлаб кўрайлик: шунча ҳаракат мамлакатимиз ёшлари учун нима беради? Саволга жавоб беришда бор-йўғи тизимдаги аввалги вазиятларни эслаш кифоя. Хўш, илгари "Камолот" етакчиси ё аъзоси билан қайси раҳбар лоақал ўрнидан туриб кўришишни ўзига эп билган? Ким унинг фикрига, таклифига қулоқ солган? Умуман, ўзига тегишли ҳудудда шундай ташкилот борлиги, унинг зиммасига эса қандай вазифалар юклангани билан қизиқармиди? Афсуски, йўқ. Ана энди қизиқмаса бўлмайди.

Хулоса қилиб айтганда, юртимизда ёшлар масаласи жамиятдаги барча муҳим ва долзарб масалалар қаторидан жой олгани, уларнинг тақдирига эътибор она Ватанимизнинг порлоқ келажагига бўлган эътибор каби тус олгани эртанги кунимиз ҳақида янада аниқ ва ижобий фикрлар билдириш учун асос бўла олади.

Тоҳир ШОМУРОДОВ

ПҮСТЛИК РИШТАЛАРИ МУСТАҲКАМ ДИЁР

ЖУҒРОФИЙ САЁҲАТ

Биз яшаётган бу олам ҳали жавобсиз саволлару, турфа сир-синоатларга бой. Шундай ғаройиботлардан бири араблар тили билан айтганда, Мағрибнинг тани — Жазоирда жойлашган. Суви нақ сиёҳнинг ўзгинаси бўлган кўл чиндан ҳам мўъжизакор. Миллий "Хамуд Буалем" номли лимонади эса сизу биз билган спрайт ичимлиги таъмини эслатади. Ҳайратланарлиси шундаки, мазкур ичимлик спрайтдан анча аввал пайдо бўлган.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси (арабча ал-Жумҳуриййа ал-Жазаириййа ад-Димуқратиййа аш-Шабиййа) — Шимолий Африкада жойлашган бўлиб, майдони жиҳатидан қитъадаги энг йирик мамлакат ҳисобланади. Марокаш, Мавритания, Мали, Нигер, Ливия ва Тунис билан чегарадош ушбу мамлакат ҳудудининг катта қисми Саҳрои Кабирда жойлашган. Эътиборлиси, пойтахти ҳам Жазоир деб аталади. "Жазоир" арабчада "орол" деган маънони англатади. Шаҳар жаҳондаги юзта буюк шаҳарлар рўйхатига киритилган.

Қадимда Жазоир ҳудудларида Ливия қабилалари истиқомат қилган. 1830 йилда Жазоир ҳудудларига Франция қўшинлари бостириб кираги ва 1848 йилдан Франция ҳудуди деб эълон қилинади. 1957 йилда Франция Жазоирда ядро синовларини ўтказиш мақсадида полигон қуриш ишларини бошлаб юборди. Аммо Жазоир мустақилликка эришгач, европаликлар бошқа полигондан фойдаланишга мажбур бўлди. 1959 йилнинг сентябрида Франция ҳукумати жазоирликларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини тан олсада, аммо уларга бу ҳуқуқни беришга шошилмади. Бу ўз навбатида бир неча исёнларга сабаб бўлди.

Конституцияга кўра, Жазоир республика саналади. Мамлакат раҳбари беш йил муддатга сайланадиган президентдир. 2008 йил ноябрида Конституцияга киритилган ўзгартиришга кўра, президентликка сайланиш муддати чекланмаган.

2 381 740 километр квадрат майдонга эга (дунё бўйича 10-ўринда туради) мамлакат ҳудудининг 80 фоизини чўллар эгаллаган. Ушбу ғўшанинг иқлим ва табиати ўзига хос, чунки бу диёрда тоғ ҳам, денгиз ҳам, ўрмон ҳам бор.

Жазоир нефть, газ, қора ва рангли металлар, марганец, фосфоритларга бой. Иқтисоди газ ва нефтга боғлиқ. Газ захираси бўйича дунёда 8-ўринда, экспорт бўйича эса 4-ўринда туради. Нефть захираси бўйича 15-ўринда, экспорти бўйича эса 11-ўрини эгаллайди.

Расмий пул бирлиги — Жазоир динори. Давлат тили араб ва бербер тиллари ҳисобланади.

Ўтган йилги маълумотларга кўра, аҳоли сони 40 миллиондан ошган. Жазоирликларнинг 99 фоизи Ислом динига эътиқод қилади. Бу ерда асосан араблар ва берберлар истиқомат қилишади.

Жазоир аҳолиси Ислом анъаналари асосида яшайди. Қиз ва аёлларнинг қаридош ёки умр йўлдошидан ташқари, бегона эркаклар билан бирга кўчада юришлари тақиқланади. Туғилиш ва ўлимга алоқадар ғаройиб одатлари ҳам бор. Масалан, дунёга келган ҳар бир чақалоқ учун, албатта, бир қўза сотиб олинади. Бу туҳфа умр бўйи кўз қорачиғидек асралиши лозим. Ўша инсоннинг вафотидан сўнг қўза ҳам синдирилиб, синиқлар қабр ёнига қўйилади. У ерда қабр тошларига исм ва саналар ёзилмайди.

Тўй анъаналари ҳам ўзига хос қизиқ тарзда нишонланади. Уйланишга қарор қилган йигит дастлаб бу ҳақда онасига айтади. Шундан сўнг қайнона бўлғуси келинни танлашга тушади. Агар йигитнинг кўз остига олгани бўлса, бундан ҳам онасини воқиф этади. Агар қиз совчилар олиб келган совғаларни қабул қилса, бу розилик аломатидир. Тўй базмидан бир кеча олдин хина кечаси ўтказилади. Бунда бўлғуси келин қўлларига хина суртилади. Уй ишларидан ҳам озод қилинади. Ўша оқшом унга совғалар берилиб, сочлари турмакланади, пардоз-андоз қилинади. Тайёргарлик якунига етгач эса албатта яқинлар билан чой ёки қаҳва ичилади. Жазоирча тўй маҳаллий урф-одатлар бўйича шовқин-суронли, рақсларга бой ва кўпгина одамлар иштирокида нишонланади.

Саёҳатга отланган сайёҳлар шуни ёддан кўтармасликлари керакки, маҳаллий аҳоли уларни расмга туширишларини ёқтиришмайди. Қора либосли аёлларни эса мутлақо суратга олиш мумкин эмас.

1992 йилда мамлакатимиз ҳамда Жазоир Халқ Демократик Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган эди. Шуни таъкидлаш керакки, Жазоир Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлатлар қаторида туради. Юртимизда 1993 йилнинг декабрида Жазоир элчихонаси очилган.

Жазоирнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Носир Бушеритнинг айтишича, мазкур икки давлат битта мусулмон цивилизациясига тегишли ва бир хилдаги маданий ҳамда маънавий меросни баҳам кўришади. Ўтган йиллар давомида Жазоир ва Ўзбекистон ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг мустаҳкам асосларини ўрнатишга муваффақ бўлишди. 2016 йилнинг октябрида Тошкентда имзоланган икки давлат ташқи сиёсат идоралари ўртасида ҳамкорлик ва сиёсий маслаҳатлашувлар тўғрисидаги Баённома муносабатларда янги саҳифани очди. Бу ҳужжатнинг амалга оширилиши, давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг кўпайиши ва иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш учун катта истиқболларни яратади. Жазоир элчисининг айтишича, Жазоир ва Ўзбекистон жуда катта салоҳиятга эга, ундан албатта фойдаланиш керак. Ўзбекистон Жазоирнинг Марказий Осиёдаги муҳим шериги ҳисобланади. Шунинг учун Жазоир Ўзбекистонга аҳолиси 40 миллион кишилик бўлган катта бозорни таклиф қилиши мумкин. Шунда маҳсулотларни Африка ва Европа бозорларига олиб кириш имкони туғилади.

Бундан ташқари, икки давлат ўртасидаги маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам жуда фаоллашган.

Гўзал ТУРСУНПЎЛАТОВА тайёрлади.

БУ ТУРФА ОЛАМ

УЗОҚ УМР КЎРИШИНГИЗ МУМКИН, АГАР...

Спиртли ичимликлар, тамакини жуда оз миқдорда истеъмол қиладиган, юрак хасталиги безовта қилмайдиган ва асабийлашмайдиган одамлар қолганларга нисбатан ўртача етти йил узоқ умр кўрар экан. Бу ҳақда америкалик ва немис тадқиқотчилари томонидан Health Affairs журналида чоп этилган мақолада айтилган.

Олимлар ушбу қатъий қоидаларга амал қилаётган 14 мингда ортиқ 50—89 ёшдаги Америка фуқароларининг статистикаларини ўрганиб, улар қолганларга нисбатан узоқ умр кўради, деган хулосани билдиришди.

Экспертларнинг фикрича, ушбу уч муҳим фактор узоқ умр кўришни чеклайди. Жумладан, юрагини ёғ босганлар ногиронликка тез чалинадилар, чекувчиларни эса эрта ўлим кутади, мунтазам спиртли ичимликлар ичиш ҳам умрни қисқартириб, соғлиққа жиддий таъсир қилади.

Тадқиқотчиларнинг айтишича, чекмайдиган, спиртли ичимликлар истеъмол қилмайдиган ва семизлик безовта қилмайдиган эркаклар ўн бир йил, бундай тоифадаги аёллар эса ўн икки йилгача қолганларга нисбатан узоқ умр кўриши мумкин экан.

ЖОНИВОРЛАР ҲАЁТИ САҚЛАБ ҚОЛИНДИ

Жанубий Кореянинг Йесан провинциясида сўйиш учун боқилаётган 149 та итнинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бу ҳақда Humane Society International (HSI) ҳайвонларни ҳимоя қилиш жамияти ахборот тарқатди.

Шу кунга қадар ит фермасини бошқариб келган фермер ўз фаолиятини ўзгартиришга қарор қилиб, ҳайвонларни ҳимоя қилиш марказига мурожаат қилган. У кучукларни озодликка кўйиб юборib, ўзи қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ҳисса қўшмоқчи. Бу борада жамият унга ёрдам беришга қарор қилди.

Жамият кучукларнинг асосий қисмини бошпана бериш учун Америка Қўшма Штатларига жўнатди. Ёш кучукчалар эса Жанубий Кореяда қолдирилди.

Ит боқишга мўлжалланган фермаларда парваришланган ҳайвонлар ҳар йили нишонланадиган Покналь кунида сўйилади. Humane Society International жамиятининг ахборотида келтиришича, ушбу кунда Кореяда 70-80 фоиз аҳоли ит гўшти истеъмол қилар экан. 2014 йилдан буён жамият томонидан ит боқишга мўлжалланган ўнта фермер хўжалиги тугатилиб, мингдан ортиқ хонаки итларнинг ҳаёти сақлаб қолинган. 2016 йилда эса жамият кўнгиллилари томонидан Вонжу шаҳридаги фермадан 200 та кучук озод қилинган эди.

КУТИЛМАГАН "МЕҲМОН"

Американинг Алабама штатида яшавчи ҳаваскор овчи ҳовлисига кириб олган оғирлиги 370 килограммлик ёввойи чўчқани отиб ўлдирди. Ёввойи чўчқа шу яқиндаги чакалакзордан одамлар яшайдиган ҳудудга келиб қолган.

11 июль куни Уэйд Сеаго уйида қизининг баланд овозда қичқирганини ва кучугининг тинмай акиллашини эшитади. Деразадан қараса, беш метр нарида ёввойи чўчқа турибди. Бир неча йилдан буён овчилик билан шуғулланиб келаётган Уэйд вақимага берилмасдан ўзининг милтиғида чўчқа ерга қулагунча уч маротаба ўқ узди. Тўнғизнинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, унинг вазнига эътибор қаратди. Овчи катта ўлжасини маҳаллий дўконга топширди.

НОЁБ СОАТ СОТУВГА ҚЎЙИЛДИ

Chanel компанияси нодир тошлардан ясалган қиймат-баҳо соатни Only Watch аукцион савдоларига қўйди.

Компания хайрия мақсадлари учун ташкил этилган мазкур аукционга ўта ноёб ва махсус J12-XS for Only Watch соатини ишлаб чиқарди. Унинг корпуси 19 миллиметр бўлиб, юқори сифатли керамика ва олтиндан тайёрланган. Соатнинг боғичи қора бузоқ терисидан ясалди. Боғичга Maison Lesage модалар уйи усталари томонидан қўлда жойлаштирилган оқ олтин ва бриллиантдан ясалган майда мунчоқлар унинг баҳосини янада оширди. Соатнинг бошланғич баҳоси 35 минг еврога тенг.

Only Watch аукциони йилда икки марта ўтказилади ва унда қўйилаётган соатлар бир дона ишлаб чиқарилган бўлиши шарт. Яъни фақат коллекционерлар учун. Якуний савдолар 2017 йил 11 ноябрда Швейцариянинг Женева шаҳрида ўтказилади. Аукциондан машҳур Jaquet Droz, TAG Heuer, Audemars Piguet брендлари ва россиялик соатсоз уста Константин Чайкин ишлари ўрин олган.

Савдолардан тушган маблағлар Монакода жойлашган дистрофия (мушак ва мускул тўқималарида модда алмашинуви бузилиши) касалликларини даволаш илмий-тадқиқот маркази фонди ҳисобига ўтказилади. Ушбу касалликка асосан болалар чалинади. Касаллик билан оғриган болалар эса 20 йилдан ортиқ яшай олмайди.

Chanel модалар уйи Францияда 1909 йилда Габриэл Шанель томонидан ташкил этилган. Бренднинг биринчи савдо дўкони эса 1910 йилда Парижда очилди. Дастлаб модалар уйида фақат кийим ва аксессуарлар ишлаб чиқарилган. Кейинчалик мижозлар талабига биноан парфюмерия ва косметика маҳсулотлари, 1987 йилдан эътиборан эса кварцдан ясалган механик соатлар ишлаб чиқарила бошланди. Айни пайтда ушбу савдо белгисининг бутун дунёда мухлислари бор.

Рус тилидан Жобир ХЎЖАҚУЛОВ таржимаси

"Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйи жамоаси нашриётнинг собиқ директори ўринбосари **Вагим Жўраевич ЖЎРАЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "BM JSS KOMFORT PLUS" МЧЖ устав фондини 1 662 685 000 сўмдан 148 768 000 сўмга камайтирганлигини

МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "BM JSS KOMFORT PLUS" МЧЖга 2009 йил 18 сентябрда берилган УС №005689 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ОТА-ОНАЛАР БЕКАТИ

Ҳамма оналар яхши, лекин...

Она бўлгач, аёлнинг меҳр-муҳаббати улканлашади. Фарзандининг атрофини ҳар хил нохушликлардан қалъа, қўрғон бўлиб ҳимоя қилади.

Бир сўз билан айтганда, Она дунёнинг эзгулик буржига айланади.

Нимага мен бешқўлдай аён ҳақиқатлардан даромад қиляпман? Гап шундаки, Оналик мартабасига эришган аёл зоти шу қадар мукаммал бўлса, юраги фақат "яхшилик" деб уриб турса, хўш, унда келинларни (фақат келинларнигина эмас) норози қилаётган қайноналар қаердан пайдо бўлар экан?

Йўқ, биз ёппасига қайноналарнинг исмлари устидан чизиқ тортмоқчи эмасмиз. Ўн саккиз ёшли қизни келин қилиб, уни ўқитиб, невараларига онасидан зиёда қараб, ўрта маълумотли қизни олимлик даражасига етказган қайноналар қанча. "Савоб бўлади", деб ўғлини етим қизчага уйлантириб, сеп-сидирғасини ўзи бекаму кўст қилиб, эл кўзига:

– Келиним тўлиб-тошиб келди, – дейдиган ҳимматли қайноналар, уйидаги сирни кўчага олиб чиқмайдиган "тошёнғоқ" қайноналар, ҳатто, ўғлининг боши айланиб, бировга илакишганда:

– Бор, тўрт томонинг қибла, мен келиним, невараларим билан қоламан, уй – уларники, – дейдиган танти қайноналар ҳам борки, биз уларни бисотимиздаги энг чиройли сўзлар билан алқаймиз. Ахир, тамоман ўзга уй, ўзга шароитда тарбия топган бировнинг боласини бола қилиш осонми? Шундай бўлса-да, яхши бўла туриб, ичида яхшилик яшаб, лекин она номига номуносиб иш тутаётган қайноналардан гинамизни ҳам берк тутиб ўтирмаймиз.

ИСМИ ЖИСМИГА НОМУНОСИБ

У кишининг исмлари – Саховатхон. Унинг қизини олган қудалари:

– Исми-жисмига муносиб. Хўп сахийлар. Ҳайит, байрам, туғилган кунларимизда бешиқдаги чақалоғимизгача катта-катта ҳадялар билан йўқлайдилар.

– Қўяверинг, овора бўлманг, қизингизнинг келинлик даври ўтди. Мана, яқинда набираларингиз бир жуфт бўлади, десак ҳам қудам йўқловни канда қилмайдилар. Патиру қаймоғи билан, сомсаю қатламаси, ошу кабоби билан ҳафтада бўлмасаям, икки ҳафтада келиб туради, – дейишади.

Хўп, қизи тушган оилага кўнглида ҳиммати бор экан, қилсин, қилаверсин. Ўзи ҳеч қаерда ўқимаган, бир кун бели оғриб ишламаган, бир сўм пул топмаган Саховатхон бу қатор-қатор ҳадялару тоғораларни эртадан кечгача қора терга ботиб ишлайдиган эри билан ўғли ҳисобидан қилади.



Қилса қилар, пул сочадиган Саховатхон, топадиган эри билан ўғли, дейсизми?

Гап шундаки, қайнона бўлмиш ўз келинидан ҳам худди шу тутумни талаб қилади. Келинни ўғли топмаган, ўзи совчиликка юриб, тўй қилган. Тўй пайтида қудаларининг:

– Биз энди зиёли одамлармиз. Ҳамма нарсага ақл билан ёндашамиз. Ортиқча дабдаба, ортиқча чиқим бизга керак эмас, – деган гапларига эътироз қилмаган, "битта тоғора етади", дейилса битта, "иккита тоғора бўлса, бас", дейилса, иккита қилди. Аммо тўйдан кейин Саховатхоннинг асл башараси "ярқ" этиб кўрина қолди:

– Мен сенинг онангни бунча паст деб ўйламаган эдим. Одамларнинг ўғли куёвлик сарполарини ўн йиллаб кийиб тугата олмайди. Боламнинг пешонаси шунча шўр эканми, сарполари бир йилгаям етмаяпти...

– Онангга айт, "Тузук-тузук йўқлов юборар экансиз, қайнонам қазисиз юборган норинларинг учун маҳалла-қўйнинг олдида ер ёрилиб, ерга кирмабди", дегин...

"Қизимни узатиб тинчидим, энди бошқа болаларимни ўқитиш ҳаракатини қилай", дея астойдил шайланиб турган ота-она қудасидан келаётган ҳар хил "топшириқ"лардан юраги безиллайдиган бўлиб қолди:

– Онангга айт, бешикда анави кўчада ўтирадиган карнай-сурнайчилардан олиб келиб, мени шарманда қилмасин, ансамбл олиб келсин!

– Алмисоқдан қолган одатни қилиб, 300 минг сўмлик велосипед олиб келмасин неварамга, ҳозир бир, икки миллионлик машиналар чиққан...

– Яқинда кенжамни уйлантирсам, уйларингни бўлак қилиб қўяман. Ота-онанг ҳозирдан музлаткич билан кир ювадиган машинанинг ҳаракатини қилсин!

Келин бечора ўн марта:

– Хўп, ойижон, – деб бирор гал, юраксиниб:

– Ойижон, ота-онам маошга ишлайдиган одамлар. Укаларим ҳам катта бўлиб қолишди. Фақат менинг ташвишим билан яшашмайди-ку улар, – деб қўйса борми, боши балога қолади:

– Ўзи қашшоқ жойдан қиз олиш керак эмас экан. Бир адашдим, адашдим, бошқа адашмайман! Агар бунақа гап қайтараверадиган бўлсанг, ўғлим билан яшатмайман. Шартта қўйдириб юбориб, эрингни бадавлат оиланинг қизига уйлантираман. Опамнинг ўғлига ўхшаб, ёғ ичида яйраб яшайди, – дейди.

Унга:

– Ўрталарида меҳр-муҳаббат бор, фарзанд бор. Сиз "Ажрашасан!" дейишингиз билан ажрашиб кетишаверадими? Маҳалла бор, қонун-қоида бор, дейдиган одам йўқ.

КЕЛИНМИ, ҚИЛСИН

Бу қайнонанинг исми – Озода. Жисмиям исмига муносиб. Бир марта кўчага чиқиб, эшик тутқичини ушласа, қўлини етти марта совунлаб ювади. Уй-рўзғор, қозон-товоқ тутумига гап йўқ. "Ёғ тушса, ялагудек", деб шунақаларни айтишса керак. Майли, озодалик – саломатлик, озодалик – кўнгли равшанлик. Лекин ҳеч қандай эзгулик зулм эвазига келмаслиги керак. Озоданинг келини Гулсевар ҳали коллеж ўқувчиси, энди битиряпти. Ота-онаси:

– Битирсин, яна ўқимоқчи, врач бўлмоқчи, – дейишсаям остонасига ётиб олгудек бўлиб ёш қизни келин қилган Озоданинг ўзи. Энди келини соат бешдан бирон дақиқа кеч қолсаям, эшигини тақиллатади:

– Туринг, ғафлат босиб ухлайверманг. Йўлакни, ҳовлини чанг босиб кетди, – дейди.

Келин бечора кўзини ишқалаб, йўлакни ювади, сўнг ҳовлини супуради. Нонушта тайёрлайди. Қайнота, қайнонасининг туфлисигача кийдириб, қўлига портфель, сумкасини тутқазиб, кузатиб, сўнг ўзи ўқишга шайланади.

– Ҳар кун кеч қолиб бориб, гап эшитяпман, – деб зорланса, Озода:

– Эпласангиз, ўқинг, – дейди. Кечқурунги ош-овқат, йиғиштир-пиғиштир, кир-чир, дазмол... Бунинг устига, Гулсеварнинг бўйида бўлиб қолган, камқон, оёғини судраб босади. Қайнона эса:

– Фалончининг келини баннисага ётиб олибди, касал қизни олишган экан, – деб ёзғириб ўтиргани учун келин бечора:

– Чарчадим, дам олгим келяпти, – ҳам дея олмайди.

Иккита ўсмир қизи бор. Ҳеч йўқ овқатдан кейин қизларига:

– Кеннойинг дарсини қилсин, сизлар идиш-товоқ ювинглар, – демайди. Қизлар телевизор кўриб ўтиришади, Гулсевар букчайиб, ўқчиб, идиш ювади.

– Кўчада кетаётганимда баъзан еру осмон чирпарак бўлиб айланаётганга ўхшайди. Ўриндиқларда ётиб олгим келади, – дейди Гулсевар. Ота-онасига арз-дод қилади:

– Уй тоза бўлсаям, ҳар кун чангюткичда тозалаб чиқиш керак. Эшикларга чанг қўнишга улгурмай чанг артишим шарт. Идишларни геллаб, уч марта ювганим етмагандек, ҳафтада ҳаммасини катта кострюлга солиб қайнатаман, дамларим қайтиб кетади. Ахир, ҳеч қаерга бутун рўзғорнинг ишини ёлғиз келин қилсин, деган мажбурият йўқ-ку. Ўғилларига:

– Зафар ака, ҳеч йўқ чиқинди ташлаб келинг, десам, қайнонам:

– Ўғлимни уй ишларига аралаштирма, хотин кишига ўхшаб қолади, – дейди.

Ота-онаси:

– Болам, ҳар ким борган уйининг қолипига тушиши керак. Бўлмаса яшай олмайди, – дейишади.

Озодага агар ким:

– Келин ҳам бировнинг боласи, уни аяш керак, – дегандай қилса:

– Келинми, қилсин! Келинликнинг таомили – шу, – дейди!

БОР БОРИЧА

Кимдир ёзганларимни ўқиб:

– Жуда ошириб юборибсиз. Ҳозир унақа қайнона, бунақа келинлар ҳам қолмаган, – дейишлари мумкин.

Манзилларию асл исмларини ҳам айтар эдимку-я, фақат шу келин бўлмиш қайноналари: қизларга "Ҳали сен уйимиздаги гапларни мухбирга айтиб берадиган бўлдингми? Аввал яшатсам ҳам энди яшатмайман", деб қолмасин, дейман-да. Бизнинг ниятимиз оилаларга дарз етказиш эмас, Юртбошимиз айтмоқчи, қирғоқни билмаётган қайноналарни бир силкитиб қўйиш, холос.

Кутлибека РАҲИМБОЕВА

ЯНГИЛИККА БИР НАЗАР

ТЕКИНГА ОФТОБГА ЧИҚҚАН МУШУК

ёхуд интернет дўконларда нима гап?

"Савдонинг бошида шайтон туради", деган гап бор халқимизда. Ёки шайтоннинг уйи — бозор, дейилади ҳадисларда. Чунки алдов ҳам, одамлар ҳаққига хиёнат қилиш ҳам, туҳмат ҳам — хуллас, аксар иллатлар макон топган бу "гўша"да! Маҳсулотини сифатли, асл деб ёки килограммини фалон, деб харидорнинг кўзига тик боқиб, чув тушира олади баъзи нобоп сотувчилар. Айбини айтиб шикоят қилиб боргудек бўлсангиз, ўзингизни ер билан битта қилиб, изза қилишга ҳам қодир айримлари. Ваҳоланки, унда сиз сотувчи билан юзма-юз туриб алданган, исмини билмасангиз-да, ташқи қиёфаси, ҳеч бўлмаганда савдо растасини эслаб қолган бўласиз. Бироқ эндиликда барча ғалвалардан нари сотувчисининг на ўзи, на манзили маълум интернет-дўконлари тобора оммалашиб бормоқдаки, уларга қайси нуқтаи назардан қарашни, қандай ишониш мумкинлигини билмаймиз, ҳатто.

– Яқинда интернет-дўконлар сайтини кузата туриб, бежирим кўйлакка кўзим тушди. Либос менга шу қадар ёққанидан ўша оннинг ўзидаёқ буюртма беришга киришдим. Бироқ боғланиш телефонларини топа олмадим. Шунда саҳифа бир четидаги онлайн-чатни кўриб, дарҳол харид қилиш истагимни ёзиб юбордим. Сайт операторининг маълумот беришича, буюртмани 20 кун, узоғи билан бир ой ичида Хитойдан етказиб беришар экан. Одатга кўра, буюртма учун олдиндан маълум фоиз пул тўланиши керак. Масалан, хариднинг 20 фоизини олдиндан тўласам, қолган 80 фоизини буюртмам келгач беришим мумкин. Бироқ виртуал суҳбат давомида шу нарса аён бўлдики, агар тўловни 100 фоиз олдиндан амалга оширсам, товарнинг таннархи ўзгармас экан. Мабодо 15-20 фоизини тўлаб қолганини кейин бермоқчи бўлсам, буюртма етиб келгунга қадар товар нархи ошиши ҳам мумкинлигини айтишди. Энг асосийси, ўлчамимни аниқ билишим керак, акс ҳолда, буюртма орқали келгани боис алмаштиришнинг иложи йўқ эмиш.

Юқоридаги ҳолатни сўзлаб берган ўртоғим: "Мен 100 фоиз тўловни амалга оширсаму, буюртмам етиб келмаса-чи?! Унда дардимни кимга айтаман: уларнинг манзили уёқда турсин, ҳатто телефон рақамларини ҳам билмайман-ку!", дея иккиланиб турганини айтди. Унинг иккиланишида жон бор. Чунки онлайн-савдо ва унинг тартиб-қоидалари ҳақида тушунчага эга бўлмай туриб, омадли харидни амалга ошириш мушкул. Акс ҳолда, шошмашошарлик оқибатида чўнтагимизга зиён етиши мумкин.

Интернет аллақачон замонавий одам ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ўтган йил ҳолатига кўра, мамлакатимиз аҳолисининг 13 миллиондан ортиғи интернет фойдаланувчилари бўлишган. UZ доменидаги сайтларнинг кўрсатишича, юртимизда интернет фаол фойдаланувчиларнинг ўртача ёши — 25-34 ёшга тўғри келади. Кейинги ўринларни эса 35-50 ёшлилар забт этган. Юқоридаги рақамлардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, бу оралиқ ёш айни харидни амалга оширувчилар ёши ҳисобланади. Айниқса, онлайн-савдони йўлга қўювчилар учун бу жуда қулай имконият. Таҳлилчиларнинг айтишига қараганда, яқин келажакда одамлар бутунлай онлайн савдо-сотиққа ўтишади. Одатий дўконлар эса қадимий буюмларга ўхшаб, ҳар қадамда эмас, бир-икки ерда учраши мумкин, холос. Буни келажак кўрсатади, албатта. Лекин бугун биз, аввало, онлайн-савдо нималигини ва уларнинг одатий дўконлардан фарқини англашимиз керак. Айниқса, бутун дунё ўргимчак тўрида бирор айирбошлаш ҳимояланмаганини аниқ билиб турган маҳалимизда интернет-дўконларга эҳтиёжимиз бормикан? Қуйида шу саволларга жавоб излаймиз.

Онлайн-савдо, деганда интернет тармоғи орқали маҳсулотларни сотиш ёки хизмат кўрсатиш тушунилади. Айни дамда онлайн-савдонинг энг оммабоп кўриниши интернет-дўконлар ҳисобланса-да, мессенжерлардаги ботлар орқали ҳам бу савдони амалга ошириш мумкин. Интернет-дўконлар сабабли сиз эндиликда уйингиз ёки ишхонангиздан чиқмай туриб, турли харидларни амалга оширишингиз мумкин. Бекатда анча вақт автобус кутиш, совуқ ё иссиқда тирбандда бозор айланишдан сизни озод этиши тайин. Энг аввало, шу жиҳатлари билан ҳам интернет-дўконлар жуда қулай. Ҳатто исталган ерингизда туриб дунёнинг бошқа бир чеккасидаги давлатдан савдолашиш ҳуқуқига эгасиз. Дунёга машҳур брендлар ва савдо компаниялари ҳам бу оммабоп тенденциялардан кераклича фойдаланишади. Сўнгги пайтларда юртимизда **arba.uz, home24.uz, texnomart.uz, asaxiy.uz, hm.uz, kansler.uz** каби сайтлар; **@gotaxibot, @bringobot** сингари ботлар самарали онлайн-савдони амалга ошириптилар. Бу рўйхатни ҳали давом эттириш мумкин. Аммо уларнинг ҳаммаси ҳам энг юқори босқичда, яъни жуда зўр фаолият олиб боряпти, деб бўлмайди. Бироқ уларнинг даромади ҳозирча яхши. Вақт ўтиб, интернетдан фойдаланиш юқорилагани сари уларнинг ҳам даромади ўсишини осон тахмин қилиш мумкин.

Онлайн-савдодаги қатор афзалликлар билан танишсак.

Вақтни тежаш имконияти. Яъни ишдан кейин шоша-пиша бозорга йўл олиш ёки биргина дам олиш кунини ҳам бозор-ўчарга бағишлаш ҳаммага ҳам бирдек ёқмайди. Вақт масаласи ҳам устун. Аммо интернет сайт орқали қилинган харид 10-15 дақиқани олиш мумкин, холос. Одатий бозор харидига эса бир соатдан кам бўлмаган вақт сарфлаймиз.

Байрам олди — сотиб олиш учун қулай имконият. Нафақат биз ўзбеклар, балки дунёдаги аксар халқлар байрам олди бозорларга, савдо комплексларига йўл олишади. Айни шу кунларда бозорга отланасангиз борми, харидор кўплигидан ҳушингиз учиб, ит эгасини танимас ҳолатнинг гувоҳи бўласиз. Онлайн-савдолар айни шу нохушликларнинг олдини олиб, муаммоларни осонгина ҳал қилади. Интернетга кириб, сотиб олишни истаган товарингиз номи ва сонини ёзиб, ҳаққини тўласангиз, хариднинг ўзи сизни байрамгача топиб келади.

Маблағни тежаш. Мутахассисларнинг айтишича, интернет-дўконлардаги нархлар, айниқса, уй жиҳозлари одатий дўконларга нисбатан арзонроқ нархда бўларкан. Шу билан бирга, дўконларга нисбатан виртуал харид жараёнида фойдали чегирма ва акциялар тез-тез бўлиб туради.

Ғаройиб харидлар имконияти. Агар сиз иштиёқ билан қидирсангиз, бошқа ерда учратмаган ва ҳеч бир одатий дўконларда такрорланмас ноёб ва жуда гўзал маҳсулотларни (ҳатто қўлда ясалган ишларни) сотиб олишингиз мумкин.

Тўлов усулини танлаш имконияти. Тўғриси, бу ҳолат ижобийми ёки салбий — ҳали аниқ эмас. Интернет-дўконларда кенг тарқалган усуллардан бири — нақд пул орқали харидни амалга оширишдир. Агар сизда нақд пул бўлмаса, бошқа муқобил вариантлар ҳам таклиф этилади. Пластик карточка, банк орқали ёки электрон пул ўтказиш орқали ҳам тўловни амалга ошириш мумкин. Албатта, қайси усулда бўлиши бу сизнинг танловингизга боғлиқ.

Хуллас, юқорида бирга санаганларимиз онлайн-харидларнинг ижобий жиҳатлари эди. Лекин уларга учиб, одатий дўконлардан тезда воз кечишга шошилманг. Мушук текинга офтобга чиқмаганидек, қуйида интернет дўконларнинг салбий томонларини ҳам келтириб ўтамиз.

Етказиб бериш хизматидаги жиддий муаммолар. Агар сиз маҳсулот буюртма қилинган жойдан чеккароқ, узоқроқ ҳудудда яшасангиз, баъзи ҳолларда етказиб бериш хизмати нархи буюртмангиз нархидан қимматга тушиши мумкин. Чунки барча интернет-дўконларда ҳам етказиб бериш хизмати бепул эмас.

Товарларни қайтариш билан боғлиқ муаммолар. Дейлик, чопар сизга сифатсиз ёки яроқсиз маҳсулотни олиб келди. Кийим ёки оёқ кийим танлашда ўлчамда адашдингиз, айтайлик танлаган либосингиз расмдагидек чиройли эмас экан — бундай ҳолатларда сиз товарни қайтаришни исташингиз тайин. Ё пулингизни қайтаришларини ё бошқасига алмашиб беришларини талаб қилишингиз ҳам бор гап. Бироқ бу алмашиш ёки пулини қайтариб олиш жараёни аксар инернет-дўконларда шу қадар мураккабки, бунга астойдил ҳоҳиш билдириш амримаҳол. Шу сабабдан ҳам онлайн-харидни амалга оширишдан олдин даставвал ундаги товарни қайтариш ва алмашиш имкониятларини яхшилаб ўрганиш тавсия этилади.

Буюртмани узоқ (баъзан жуда узоқ) вақт кутиш. Агар буюртмани қабул қилиш учун почта хизматидан фойдаланмоқчи бўлсангиз, даставвал яхшилаб ўйлаб кўринг. Айниқса, буюртмангиз байрамга аталган бўлса. Чунки байрамда жўнатмалар шу қадар кўпаядики, почталар бориши керак бўлган манзилдан ҳам адашади. Баъзи пайтлар эса буюртма икки ёки уч ойлаб йўлда қолиб кетади. Чалкашликларга дуч келмаслик учун олдинроқ буюртма қилган афзал.

Жўнатманинг йўқолиши. Ажабланманг, чунки почта орқали қабул қилиниши керак бўлган буюртмалар йўқолиб қолган ҳолатлар ҳам амалиётда учраган. Агар буюртмангиз учун тўловни олдиндан амалга оширган бўлсангиз, пулингизни қайтариш учун юқорида айтганимиздек анча ёқимсиз ва мураккаб жараённи босиб ўтишингиз керак бўлади.

Болалар учун буюртмалардаги муаммолар. Гап шундаки, сиз танлаган ўйинчоқ ёки кийим болангизга ёқмаслиги, балки ўлчами тўғри келмаслиги мумкин. Шундай ҳолатлар ҳам бўладики, буюртма етиб келгунча боланинг бўйи ўсиб, ўлчами катталашади. Шу боисдан болаларга буюртма қилишда ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик жуда муҳим.

Алданиб қолиш хавфи. Таассуфки, онлайн-харид давомида на буюртмани ва на пулни қайтариб олиш мумкин. Шундай вазиятга тушмаслик учун харид қилмоқчи бўлган онлайн-дўконингизни яхшилаб ўрганинг. Ишонч ҳосил қилиш учун товар ва хизматлар сифатини текширинг. Сайтда мижозлар қолдирган фикрларга ҳам кўп ишонаверманг, чунки виртуал сотувчилар томонидан атай шундай "ўйинлар" уюштириб турилади. Яхшиси, интернет-дўкон сайтининг юридик маълумотлари ва алоқа телефонларини қидиринг.

Қониқарсиз хизмат. Бу муаммога афсуски, ҳамма жойда дуч келамиз. Юқорида айтганимиздек, кеч етказиб бериш, қўпол чопар ва бошқа ёқимсиз ҳолатлар.

Сўнгсўз ўрнида онлайн-савдо яхши ёки ёмон деб хулоса чиқармоқчи эмасмиз. Бу ҳар бир харидорнинг танловига боғлиқ. Фақатгина истеъмолчилик ҳуқуқларимиз бузилишидан огоҳ бўлишга чақирамиз. Бозордаги сотувчилар тарозидан харидимизнинг қанчадир граммини уриб қолишар ёки яхши деб, сифатсиз товарини амаллаб ўтказар. Лекин виртуал савдода эҳтиёткор ва ҳушёр бўлмасак, фирибгарлар монитор ортида туриб ҳам чўнтагимиздан ўғирлаши мумкин. Энг қизиғи, аксар ҳолларда чув тушишимиз мумкинлигини ўйлаб ҳам ўтирмай, ўз хоҳишимиз билан маблағимизни қўшқўллаб топширишга шай турамиз.

Гўзал МАЛИКОВА,
"Hurriyat" мухбири

БИЛМАГАННИ БИЛГАН ЯХШИ

— Ҳадя шартномаси ҳақида тўхталиб ўтсангиз, совға ҳам шунга кирадими?

Тошкент вилоятидан
Дилбар Кенжаева

Сиз сўраган саволингиздаги совға сўзи одатда ҳадя ҳам деб аталади. Шунингдек, ҳадя шартномасига мувофиқ бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ёки мажбуриятини олади ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкий мажбуриятидан озод қилади ёинки озод қилиш мажбуриятини олади.

Бирон-бир шахсга ашёни ёки мулк ҳуқуқини текинга беришни ёки бирон-бир шахсни мулкий мажбуриятидан озод этишни ваъда қилиш (ҳадя этишни ваъда қилиш), агар ваъда тегишли шаклда берилган бўлса ва келажакда аниқ шахсга ашё ёки мулкий ҳуқуқни текинга бериш ёки уни мулкий мажбуриятдан озод қилиш мақсади аниқ кўриниб турган бўлса, ҳадя шартномаси деб тан олинади. Шартнома предмети автомототранспорт воситалари бўлса, автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади.

Ҳадяни ҳадя олувчига ҳадя қилувчининг вафотидан кейин топширишни назарда тутувчи шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмас. Ҳадя шартномасида ҳадя нарсаси аниқ кўрсатилиб қўйилган бўлиши шарт. Ашё, мулк ҳуқуқи ёки мулкий мажбуриятдан озод қилиш шаклида ҳадя нарсасини аниқ кўрсатмасдан ўзининг мол-мулкини ёки мол-мулкининг бир қисмини ҳадя қилиш ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди. Ҳадя олувчи ҳадя қилувчидан олдин вафот этган тақдирда, ҳадя қилувчининг ҳадяни бекор қилиш ҳуқуқи шарт қилиб қўйилиши лозим. Шартноманинг предмети кўчмас мулк бўлганда, кўчмас мулкларни бошқа шахсга ўтказиш ҳақидаги битимлар тасдиқлаш қоидалари қўлланилади, шартнома предмети автомототранспорт воситалари бўлса, автомототранспорт воситаларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш қоидалари қўлланилади. Нотариус тарафларга Фуқаролик кодексининг 502—510-моддалари мазмунини тушунтириб, бу ҳақида ҳадя шартномасининг матнига ёзиб қўяди.

Саволга Чирчиқ шаҳри 3-сон ДНИ катта нотариуси Мукаррам ЗУФАРОВА жавоб берди.

ДАВЛАТ МУКОФОТИГА НОМЗОДЛАР

Абдулла Қодирий ижодини ўрганиш ўтган асрнинг 20-йилларидаёқ бошланган эди. Салкам бир аср давомида адиб ижоди турлича таҳлил ва талқинларга тортилди.

Абдулла Қодирий асарларининг тадқиқи адабиёт илмида Ойбек, Ҳ.Ёқубов, И.Султон, М.Қўшжонов каби ўнлаб номларни танитди, улар истеъдодининг янги қирраларини кўрсатди.

Қодирийшуносликнинг янги саҳифаси

Адабиётшунос Баҳодир Каримнинг "Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур" монографияси ана шу таҳлил ва талқинларга бағишланган. Муаллиф адиб ижодини ўрганишда герменевтик тафаккур назариясини қўллаб, тўғри методологик асос танлаган. Шунингдек, монография психологик ва биографик метод имкониятларидан ҳам самарали фойдаланилганлиги боис Абдулла Қодирий ижоди шу пайтгача амалга оширилган тадқиқотлардан ўзгача, янгича талқин касб этган. Адибнинг эстетик оламини тушунишда унинг ҳаётига, руҳий-психологик ҳолатига доир манбалар, мактублар, хотиралар, кундаликлар, ҳошиядаги битиклар, кириш ва сўнгги сўзлар, хуллас, бир қарашда арзимасдек туюладиган, ёзувчининг "қалб биографияси"га дахлдор барча манбалар қамраб олинган.

Баҳодир Карим ушбу монографиясида қодирийшуносликни уч даврга бўлиб ўрганади. XX асрнинг 20—30-йиллари, 60—80-йиллари ҳамда Истиқлол арафаси ва ундан кейинги даврлар. Маълумки, XX аср шўро адабиётшунослиги, жумладан, ўзбек адабиётшунослигида ҳам бадиий асарга давр сиёсати ва мафкураси нуқтаи назаридан ёндашиш устуворлик қилади. Қодирийшуносликнинг биринчи авлод вакиллари Айн, Миён Бузрук, Сотти Ҳусайн, Жалил Бойбўлатов, Абдураҳмон Саъдий, Отажон Ҳошимда вулгар социологик талқинларни кўриш мумкин. Синфийлик ва синфий кураш вулгар социологизмнинг асосини ташкил этади, шундан келиб чиқиб бадиий асар сийқа, бир ёқлама талқин қилинади. Шундай бўлса-да, бу давр қодирийшунослари талқинида адиб асарларининг ғоявий-бадиий хусусиятлари, поэтика масалалари, ижодкор тили ва маҳорати, қаҳрамон ва шароит, сюжети ва композицион бутунлигига оид бир қатор муҳим муаммолар бўйича кузатишлар ҳам олиб борилганлиги холисона ўрганилган.

"Далил шуки, 1960 йилларда бадиий асарни талқин қилиш тамойилларида ҳам сиёсийлашган қолиплар мавжуд эди. Агар ўз даврида энг тўғри дея эътироф этилган ўша қолиплар бугунга келиб ғайритабиий кўринаётган бўлса, буни ҳам табиий қабул этмоқ лозим. Маълумки, ҳеч бир таълимот абсолют ҳақиқат бўлолмайди. Илм оламида олимлар ўзларини кўндириб олиши шарт бўлган бир ҳақиқат бор. Бу инсон фикрининг нисбийлиги, маълум бир вазифани адо этгач, янгиликнинг эскириши ва тарих саҳифасидан, фикрлар занжиридан бир ҳалқа ўлароқ жой олишидир». (85-бет)

Компартиянинг XX съездидан сўнг расман оқланган Фитрат, Чўлпон, Қодирий асарларини ўрганишга қайта киришилди. 1960—1970-йилларда адабий танқид Фитрат ва Чўлпонни аввал адашган, сўнг "секин-аста совет позициясига" ўтган ижодкорлар сифатида талқин эта бошлади. Бироқ бу адибларнинг ижоди хусусида шунга ўхшаш фикрлар билдирилса-да, асарларини чоп этиш ва жиддий ўрганишга ўттиз йиллардан сўнг киришилди. Абдулла Қодирий ижодига муносабат ҳам ўша давр ижтимоий-сиёсий қарашлари қаричида кечганлиги монографияда илмий ва ишончли тасдиғини топган.

Монографиянинг "Образли тафаккур қисмати", "Зиддиятлар гирдоби", "Руҳий эврилиш машаққати", "Сатирик талқин сирлари", "Ижодий метод ва бадият баҳси", "Адабий тафаккурнинг янгиланиши" боблари қодирийшунослик тарихининг алоҳида-алоҳида саҳифалари таҳлили ва талқинига бағишланган бўлиб, энг кўп баҳс-мунозаралар манбаи бўлган "Ўткан кунлар", "Меҳробдан чаён", "Қалвак махзумнинг хотира дафтаридан", "Тошпўлат тажанг нима дейди?", "Обид кетмон" ҳамда ҳикоялари поэтикасига бугунги адабий қарашлар нуқтаи назаридан муносабат билдирилади ва муайян илмий-назарий хулосаларга келинади.

Бадиий асарни ҳар ким ҳар хил тушунади, деган гап бор. Бу гапда кенг китобхонлар оммасининг турли даражадаги савиялари назарда тутилган. Адабиётшунослар, мутахассислар, умуман, адабиётга яқин кишилар бадиий асар билан танишгач, ёзувчининг бадиий-эстетик оламини англашлари, унга яқин келишлари, муаллиф ифодаламоқчи бўлган поэтик ғояга яқин хулосаларга келишишлари зарур. Билимсизлик ё журъатсизликкина "бу асарни мен шундоқ тушундим", дея тескари талқин қилишга олиб келади. Билимсизлик дея аташ ноўрин бўлар балким, қодирийшуносликда эҳтиёткорлик ва журъатсизлик билан ёзилган мақолалар анчагина.

Мавзуни илмий асослашда монографияда, бадиий ва илмий асарлардан ташқари кўплаб тарихий ва публицистик ҳужжатлар ҳам қамраб олинган. Факт, детал, суд ҳукмлари, кўрсатмалар, қарорлар, газета хабарлари, архив маълумотлари, адабий ва ижтимоий муҳит билан алоқадорлик жараёнлари, хотиралар, кундаликлар, хатлар, ёндафтардаги қайдлар, биографик маълумотлар шулар жумласидандирки, буларсиз ижодкор шахси ва матн бирлигини тушуниш ва тушунтириш қийин.

Романга "тарихий солнома" ё "ҳаётнинг ўринбосари" сифатида қараш нотўғри. Таъбир ўринли бўлса, айтиш жоизки, юксак санъат намунаси ҳеч қандай "изм"ларга сиғмайди. Ўтган асрнинг 60—70-йилларида А.Қодирий романларининг қайси ижодий методга мансублиги борасида кечган баҳс-мунозаралар унчалик илмий-назарий қимматга эга бўлмади. Бу баҳсларда, асосан, ижодий метод табиатидан келиб чиқиб, адиб романларидаги образлар тизимига, тасвирий ва тавсифий ўринларга баҳо берилди. Б.Карим таъкидлаганидек, "...бадиий асарнинг илмий-назарий талқини хоҳ у поэтик, психологик, хоҳ муайян назарий-методологик масала бўлсин — асл моҳиятни ойдинлаштирган тақдирдагина адабиётшунослик тарихида ўз илмий қиймати йўқотмайди». (133-бет)

80-йилларнинг иккинчи ярми ва 90-йилларнинг биринчи ярми оралиғида А.Қодирийнинг тўқсон беш йиллик, юз йиллик таваллуди муносабати билан бир қатор илмий мақолалар, мажмуалар, рисолалар майдонга келди. Б.Карим бу чиқишларида ҳар бир олим муайян илмий муаммони ўзининг адабий-эстетик диди ҳамда ўзига хос ёндашув асосида тушунтирганлигини жилдий таҳлил қилади.

Монографиянинг "Адабиий тафаккурнинг янгиланиши", "Бадиий асар ва биографик таълимот" бобларида А.Қодирий ижоди янгича ёндашув асосида ўрганилади. Қодирий асарларида хронотоп масаласи, роман матнига кирмаган изоҳ ва шарҳлар таҳлили, муайян характерларнинг, эпизодларнинг исломий ақидалар нуқтаи назаридан ўрганилиши, топонимика ва тил хусусиятларига бағишланган фасллар, адиб романларида бот-бот учрайдиган "тақдири азал", "азон", "намоз" каби тушунчаларнинг фалсафий талқини, ёзувчи ижодига биографик метод тамойиллари асосида ёндашув ана шундай янгича талқинлар жумласидандир.

Мустақиллик даврида қодирийшуносликда туб бурилиш йиллари бўлди. Монография муаллифи таҳлил этган М.Қўшжонов, Н.Каримов, У.Норматов, Н.Боқий, Д.Қуронов ва бошқаларнинг мақола ва рисолаларида адиб дардини англаш, тушуниш ва тушунтириш, ёзувчи ижодини жаҳон адабиёти намуналари билан қиёслаш, поэтик олам ва бадиий сўз қудратини кашф этиш каби масалалар талқини ўзбек романчилигининг умрбоқийлик асосларини излаш давом этаётганлигини кўрсатади.

Ўзбек тили ва адабиётини ўрганишнинг таянч маркази — Ўзбекистон. Бироқ хорижлик олимларнинг бу борадаги ишлари ҳам ҳамиша қизиқиш уйғотиб келган. Ўзбек адабиёти намуналарининг чет тилларига таржималари, уларга муносабат ва талқинлар бугун ҳам долзарб масалалардан.

Тадқиқотда А.Қодирий ижоди бўйича хорижда амалга оширилган илмий ишлар таҳлили учун алоҳида боб ажратилган. Бу бобда қамраб олинган материаллар таҳлилининг теранлиги ва илмий янгилиги билан эътиборни тортади, хориждаги қодирийшуносликнинг тарихи, бугунги ҳолати тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилади.

Бадиий матн таҳлилида якрангликдан чекиниш, асар моҳияти ва ижодкор дунёқарашини англаш, бадиий асар ҳаётнинг шунчаки акси эмаслигини ҳис қилиш, жаҳон адабиётшунослигининг янги метод ва методологияларига таяниш кабилар мазкур китобда татбиқ этилган ва илгари сурилган илмий тезислардандир.

Ҳаётда, табиатда биз кўпинча эътибор беравермайдиган ҳодисалар, ҳолатлар учраб туради. Дейлик, биз тоғнинг этагида унинг улуғворлиги ва салобатини унчалик ҳам ҳис этавермаймиз. Бироқ йироқлашганимиз сари тоғ ўзининг юксаклиги ва маҳобатини намоён қилаверади. Абдулла Қодирий ижоди ҳам шунга ўхшайди. Баҳодир Каримнинг "Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур" асари машҳур адибимизнинг юксак санъаткорлигини яна бир бор тасдиқлаб берганлиги билан аҳамиятлидир.

Ҳотам УМУРОВ,
Муслиҳиддин МУҲИДДИНОВ,
Шавкат ҲАСАН,
филология фанлари докторлари, профессорлар

Тарихий ҳақиқат мутаносиблиги

МУТОЛАА

Бугунги адабиётимизнинг ўзига хос жиҳатларидан бири — кўҳна тарихимиз акс этган тарихий асарларга бўлган эътибор янада кучайгандир.

Таниқли ёзувчи Асад Дилмурод мозий нафаси сингдирилган кўплаб бадиий асарлар муаллифидир.

Тарихий асарларда мозий ҳақиқатининг бадиият сари юз тутиши, ёзувчи маҳорати даражасини белгиловчи омилдир. Шу ўринда профессор Нўъмонжон Раҳимжоновнинг адиб ижоди ҳақидаги ушбу фикрларини келтириб ўтишни жоиз деб билдик: "Адиб мозийга мурожаат қиларкан, кўҳна дунё тиргаклари ҳисобланган, ҳамма биладиган шахслар суврати ва сийратини нур ва зулмат тўқнашувларига доир рақам-ҳисоботлар, шунингдек, зиддиятли қурашлар ва тўқнашувлар босқинлар, йўқотишлар, ўпирилишлар ва ислоҳларни китобхонга шунчаки тақдим этмайди, аксинча, булар барини ўз ботини, аниқроғи, қаҳрамонлар қўнглидан кечадиган хилма-хил туйғуларга қоришитириб беради". Бунга мисол сифатида мозий нафаси сингдирилган бадиий ижод намуналаридан бири "Мезон буржи" қиссасини келтириб ўтиш мумкин. Тарихий шахс сиймоси яратилган бу асарда темурийлар ҳукмронлиги давридаги қисқа давр акс этган бўлиб, унга айнан Соҳибқирон Амир Темур ҳаётининг кучли драматизмга бой айрим лавҳалари асос қилиб олинади.

Асар сюжети қизиқарли. Бунинг сабаби, асарда оддий жангу жадаллар акс этган ҳарбий юришлар эмас, балки инсон ички дунёси билан боғлиқ тасвирларнинг берилиши орқали қаҳрамон характерининг яратилишидадир. Ёзувчининг образ яратишдаги ўзига хослигини айнан шу омил таъминлайди. Адиб асарда энг аввало, Амир Темурнинг олий хилқат — инсон сифатидаги ички дунёсини кашф қилишга уринади. Асар мунажжим Абубакр Қамарийнинг вафот этиши ва салтанатга "хос мунажжим" этиб Соҳибқироннинг унчалик ҳам кўнгли хушламайдиган, хос тугул, авомнинг ҳам эътиборидан узоқдаги инсон бўлган мавлоно Аҳмаднинг келиши билан бошланади. Асар давомида Амир Темурнинг туш кўриши билан боғлиқ эпизодлар бир неча маротаба берилади. Бу жараён яъни, адибнинг фольклор анъаналарига таянган ҳолда иш кўриши образ яратишда муҳим восита вазифасини ўтайди. Амир Темурнинг мавлоно Аҳмадга бўлган ихлоси ҳам кўрган туши туфайли пайдо бўлади. Асар воқеалари давомида бу ихлос — Мавлоно Аҳмадга бўлган эътибор шу даражада ортиб борадики, натижада Соҳибқироннинг бутун хаёли у билан банд бўлиб қолади. Асар тугуни ҳам Амир Темурнинг кўрган туши билан бошланади. Тушида у сувсиз жазирамада бутунлай тинка-мадори қуриб, томоғи қақраб, саксовул олдида ҳолсиз йиқилганида, жонига кўзларида недир сир акс этган, озғин жуссали бир киши ора киради. Ҳасса тутган бу киши хос мунажжимликка янги сайланган мавлоно Аҳмад эди. Асарнинг мана шу нуқтасидан бошлаб Амир Темур ички дунёси равшанлашиб бораверади. Унинг руҳиятида кечган ҳолатлар асарга кўтаринкилик бахш этади. Орадан анча вақт ўтгач, Соҳибқирон ўша тушига жуда ўхшаш яна бир туш кўради.

Тушида яна жазирама чўлда ўша зилол чашмани интиқиб излайди, чашмадан эса дарак йўқ. Шунда кўзи саксовул остида ўтирган мавлоно Аҳмаднинг учи қайрилма ҳассасига тушади. Буни кўрган Амир Темур бор овози билан уни чақиради ва шу ҳолатда қора терга ботиб уйғонади. Ёзувчи айнан, шу туш эпизоди орқали мавлоно Аҳмаднинг неларга кодирлигини Соҳибқирон кўнглига солади. Шу ондан бошлаб ўқувчида ҳам бу образга нисбатан ўзгача бир қизиқиш пайдо бўла бошлайди ва уни ўзича кашф қилади. Адиб асарда Амир Темур характерини яратишда мавлоно Аҳмад образини асос қилиб олади. Китобхон эътиборини асосан қаҳрамон руҳиятида кечган ички туғёнлар тортади. Натижада буюк саркарда шахсининг яна бир қиррасини — кўнгил кишиси бўлган оддий инсонни кашф қиламиз: "Қиздирилган тандир ҳилидек дим, қуруқ ҳаво бир зум ҳаловат бермас, охир-оқибат руҳида қайта-қайта санчиқ қўзғалар эди. Санчиқ кучайса, дафъатан ҳалиги нидо ("Кечалари тепамга аллакимлар келадурлар") янграйди, шунда беихтиёр ён-верига аланглаб, хавотир билан аста қулоқларини ёпади. Мабодо уйқу илинжида киприкларини юмса, олис-олисда мавлоно Аҳмад қад ростлаб, недир муддаода ихчам салла ўраган боши узра тез-тез ҳассасини силкита бошлайди". Образ шундай кучли руҳий кечинмаларни бошдан кечирар экан, гоҳида у уйғоқ бўлиб туш кўрар, яна ўша ҳассаси қўлида ғамгин чеҳрали киши хаёлини банд айлар эди. Унинг ногаҳон учи қайрилма ҳассасини осмонга ишора қилган ҳолатда йўқ бўлиши, саркарданинг кўнглини яна жавоби йўқ, сирга тўлдиради, хаёлан ўзи билан ўзи тинимсиз равишда курашади. Кўриниб турганидек, образдаги руҳий ҳолатнинг борган сари юқори нуқтага кўтарилиб бориши бевосита асарнинг кулминациясини ташкил қилиб, бу асардаги тасвирлар изчиллигини таъминлайди. Ёзувчи яратган бадиий детал — учи қайрилма ҳасса ҳам образ яратишда мақсадли амалга оширилган.

Устозларнинг фикрича, тарихий роман муаллифи, айни пайтда ҳам санъаткор, ҳам олим бўлиши талаб этилади. У пайти келса, тарихчи-олим билан ижодий рақобат қилиши, илмга номаълум бўлган факт ҳамда ҳодисаларни очиши, айниқса, бу факт ҳамда ҳодисаларнинг ички механизми, тафсилоти, сабаб, оқибатларини бадиий талқиқ этиши, бу билан тарихнинг ҳали очилмаган баъзи нуқталарини тўлдириши мумкин. Образ руҳиятида кечаётган ички кечинмалар кулминацияси сифатида ҳам Ҳумоюн Ўрду томон интилаётган Амир Темур рўпарасидан чиққан бир харобазорнинг — қуйиб-ёниб, титилиб, беун инграб ётган Дабусия қалъасига дуч келишини кўрсатиш мумкин. Бу қутилмаган тасвир асарда қуйидагича акс этган: "Соҳибқирон Ҳумоюн Ўрду йўлини кесиб чиқишни мўлжал қилди. Кўпикка ботган бедовни қичаб ҳайдаган чоғда, қайноқ қумликлар ва жимирлаётган сароб ичра ола байдоқ дўнгликлар кўринди, син солиб қараса, ёпирай, рўпарасида бир харобазор қуйиб-ёниб, титилиб беун инграб ётибди. Дабусия! Ногаҳон томоғида шу сўз бодради, жиловни тортиб, теварак атрофни маъюсланиб кузатаркан, беихтиёр ёқа ушлади..." Кучли психологик тасвирлар орқали характер яратиш билан биргаликда, олдин бадиий манбаларда учрамаган тарихий ҳақиқатни — Дабусия ҳақидаги тасвирни бадиий асарга олиб кириши адибнинг изланувчан ва тасаввур олами кенг эканлигини далолатлайди.

Асад Дилмурод "Мезон буржи" қиссасида ҳар бир образни бир-бирини такрорламайдиган жиҳатлари билан беришга ҳаракат қилган. Айниқса, бош қаҳрамон Амир Темур образининг ички оламини очиш орқали буюк саркарда шахсиятини очиб беради. Бу образ буюк саркарда бўлиши билан бирга аҳли аёллари учун ғамхўр оила бошлиғи, фарзандлари ва севимли набиралари учун меҳрибон падар ҳисобланади. Амир Темурнинг фарзанди Умаршайх Мирзонинг вафотидан кейинги ҳолати ёзувчи томонидан таъсирли қилиб тасвирланади. "Соҳибқирон ҳангу манг: аввал аъзойи бадани музлади, кейин товонидан тирноғига қадар лахча-лахча чўққа айландида, бутун ақлу идроки ва шуури хиралашди, юраги тепмай қўйди, ҳалигина томирлари бўйлаб кўпириб-тошаётган қон тўхтаб, кўкси тамом бўшаб ҳувиллаб қолди. Ҳалигина зумраду қаҳрабо янглиғ яшнаб турган борлиқ қаёққадир чекиниб, ўрнини жаҳаннамдан қолишмас ола-байдоқ туманли воҳа эгаллади...". Руҳият тасвири учун қўлланилган психологик тавсиф образ ички дунёсининг яна бир қиррасини кашф қилади. Яна бир ўринда Соҳибқиронга хос инсоний кечинмалар фарзанди вафотидан кейин ўн олти ёшида отасидан ажралган Пир Муҳаммад тақдири ҳақида қайғуриши, набираси тарбияси билан жиддийроқ шуғулланиши кераклигини ич-ичидан ҳис қилишида ҳам кўришимиз мумкин. Образдаги бундай кучли психологик тасвирлар китобхон эътиборини янада тортади.

"Мезон буржи" қиссасида образлар тизимидаги ўзига хослик ҳар бир тасвирда замон руҳи сезилиб туриши, характер яратишда унинг ички кечинмаларининг ўзига хос тасвири асар бадиийятини оширган омиллардандир. Шунингдек, ёзувчи асарда бош қаҳрамон руҳиятини очиб беришда портрет, пейзаж, бадиий тавсифлар каби тасвир воситаларидан унумли фойдаланади. Туш эпизодининг бир неча ўринда қўлланилиши эса Соҳибқирон образининг тўлақонли бўлишида, психологизмнинг тавсифланишида қўл келган. Тарихий асар ёзаётган ёзувчи асарига тарихий фактни асос қилиб, асосий жиҳат — унинг бадиийятини акс эттириши шу асарнинг эстетик кучини ташкил этади. Асад Дилмурод бу асарида ана шу эстетик кучни ярата олган.

Дилноза ТЎРАЕВА,
Гулистон давлат университети мустақил изланувчи-тадқиқотчиси

МУСИҚАНИНГ ЯШИРИН ҚУВВАТИ

Замонавий нейропсихологларнинг айтишича, 4,5 ойлик эмбрионда эшитиш қобилияти шакллана бошлайди. Онанинг қорнидаги бола, товушларни ҳис қилар, онанинг алласини ва мусиқани эшитар экан. Шунинг учун психологлар ҳали туғилмаган чақалоқ билан гаплашишни, унга алла айтишни, сокин мусиқаларни эшиттиришни тавсия қилади.

DUD TARBIYASI

2,5 ёшдан 3,5 ёшгача бўлган даврда боланинг эшитиш қобилияти тўлиқ шаклланади. Айнан шу даврда унинг атрофида рўй бераётган ҳодисалар ва маълумотлар бола хотирасида мустаҳкам муҳрланади.

Болани мактабгача бўлган ёшида мусиқага ўргатиш учун профессионал мусиқачи ёки ўқитувчи бўлиш шарт эмас. Бунинг энг самарали услуби — болада ўқув предметига нисбатан қизиқиш уйғотишдир. Мажбурлаш йўли билан ўргатиш эса салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Агар болада бирор чолғуни ўзлаштиришга қизиқиш уйғонса, у тезда ютуқларга эришади. Бунинг учун шароит яратилиши керак. Агар бола мусиқани эшитмаса, чолғуларни ўз қўлига олиб кўрмаса, интилмаса, ундан мусиқага бўлган қизиқишни кутиш бефойда.

Мусиқий таълим боланинг нафақат мусиқий қобилиятини, балки бошқа қирраларининг очилиши ва шаклланишига туртки бўлади.

Хусусан, мусиқа боланинг муомала маданиятини ўстиради. Чунки у мусиқий асарни ижро этаётиб, композиторнинг ҳиссиётлари ва фикрларини ифодалаб беришга интилади. Бунда у эшитувчилар билан боғлиқлик (контакт) ўрнатишни ўрганади. Бу эса ўз навбатида боланинг суҳбатдош билан умумий тил топишига ёрдам беради.

Мусиқа болада меҳнатсеварликни тарбиялайди. Маълумки, мусиқий чолғулар боладан уни ўзлаштиришда катта машаққат талаб этади. Асосан торли-камонли чолғулар ва фортепиано чолғулари боладан машғулотларга кўпроқ вақт ажратишни тақозо қилади. Етуклик даражасига етишиш истаги болада меҳнатга бўлган муҳаббатни тарбиялайди.

Қолаверса, мусиқий асарни нота матнидан ижро қилаётган болада кўриш, эшитиш, сезиш туйғулари бирга ишлайди. Бундан ташқари бир вақтнинг ўзида чап ва ўнг қўл вазифалари назоратда бўлади. Бу эса миянинг ҳар иккала яримшарлари ривожланишига олиб келади. Бу каби хислатларнинг фаолияти хотирани яхшилайди. Энг асосийси — мусиқа тасаввурни, фантазияни ривожлантиради. Тасаввурсиз эса санъатнинг бошқа турларини эгаллаш мумкин эмас.

Алишер Навоий шоир, ёзувчи, олим ва мусиқа илмининг етук намояндаси бўлганлар. Бу каби санъатнинг бир турига бўлган қобилият қолганларини тўлдириб боришини яна кўпгина алломаларимизда кузатишимиз мумкин. Абу Али Ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Аҳмад Яссавий ва бошқа етук олиму фозиллар асосий иш фаолиятидан ташқари мусиқа билан ҳам шуғулланганлар.

Демак, фарзандларимизни мусиқага ўргатиб, унинг қобилиятларини кенгайтирган бўламиз. Бу эса келажакда унга қалбан яқин ва ўзи истаган касбни эгаллашига кўмаклашади.

Акмал ЎТАЕВ,
Ўзбекистон давлат консерваторияси қошидаги иқтидорли болалар академик лицейи ўқитувчиси

БОҒИШАМОЛ — БОБОМНИНГ БОҒИ

Ассалому алайкум, ҳазрат Заҳириддин Бобур бобо... Ҳар гал кўнглимдан Андижонга боғлиқ туйғу айланди дегунча сизни бир карра ёдлаб оламан. Чунки бу Сиз таваллуд топган, Сиз эъзозлаб, ҳамиша соғиниб яшаган, Сизга соҳир қалам тутиб, илҳом бахш этган гўша. Шунда Ватандаги, аниқроғи, она Андижондаги ҳар бир гиёҳ, ҳар бир тош, ҳар бир йўл, уй — иморат аввалгидан ҳам азизланиб кўринади менга. Улар Сизга салом айтиб, Сизнинг саломингизни қучоқлаб яшаётгандай туюлаверади. Хаёлимга Сизнинг "Ҳар кимки мени сўрса саломимни дегил" деган мисрангиз келади. Мен бу қадар содда ва гўзал, ҳикмат кўринишли сатрларингизни фахру ҳайрат ила ўқийман, ҳазрат бобо. Кимгадир салом бермоқ — бу унга соғлиқ ва умр тиламоқ, унинг қадру қиммати баландлигини эътироф этмоқдир.

Эҳтиром битиги

Эссе

"Қадр-қиммат" — жонга ёқимли ибора бу. Аммо ҳар доим ҳам амалга ошиши осон бўлмаган унинг. Сиз яхши биласиз, бу — озод мамлакатнинг, озод халқнинг, озод қўнгилнинг ибораси десак тўғрироқ бўлади. Шу кунда бизнинг Ватанда бу калима жуда улкан, хайрли дастурларнинг мазмун, моҳияти бўлиб қолди. 2017 йилнинг "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" деб номлангани ҳам асли инсон қадру қимматини ҳис қилиш, унга эришиш, юрт дегани, халқ билан обод бўлади деган мақсадга йўғрилган-да.

Сизга айтсам, яқинда Юртбошимиз Андижонга келдилар. Вилоятимизга ташрифини сиз суйган Боғишамолдаги "Боғи Бобур" билан танишишдан бошладилар. Бу масканни зиёрат қилар экан, ташкил қилинган "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи экспонатлари билан яхшилаб таништилар. Олимлар ва нуронийлар билан мулоқотда бўлдилар. Шу ерда *"Бобур Мирзо халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшаяпти. Бу масканни янада обод қилиш зарур. Ўзлигимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларга тушунтирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз"* деб Сизга бўлган буюк эҳтиромини билдирдилар. Аслида *2017 йил 24 майдаги "Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"*ги қарорида ҳам айнан шундай эзгу мақсад бор эди-да.

Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йилларданоқ халқимизнинг ҳақиқий тарихи зарварақлари очилди. Шарқ уйғониш даврининг дунё тан олган буюк алломалари бизнинг аждодларимиз эканлиги ҳақида ўқиб ўргана бошладик. 1993 йилда муборак таваллудингизнинг 510 йиллиги махсус қарор билан жуда кенг нишонланди. Тортмамда йиллаб сақланган "Бобурнинг Андижондан чиқиши" сарлавҳали шеърим ҳам матбуотда эълон қилинди. Таниқли бастакор Қаҳрамон Комилов шу шеър асосида йирик мусиқий асар — кантата сюита яратди. Ва бу мусиқий асар Боғишамолдаги таваллуд айёмингиз тантаналарида янграб турди.

Ҳамма қувонди, ҳазрат бобо, буюклигингиз, юраги яхшиликка мойил катта меҳр кишиси эканингиз, эътиқод ва садоқатингиз мустақиллигимиз боис очиқ-ойдин, баралла эътироф этила бошланди ахир. Мустақиллик шарофати билан сиздай улуғ боболаримизнинг қадр қиммати қайта тикланди. Халқимизни дунё таний бошлади. Бу халқ тик қад билан олам ичра сўз айта бошлади. Ризқи-рўзи улуғлаша борди. Дастурхони тўкин, хонадони ободлашди. Йил сайин бундай эзгу янгилик ва яхшиликлар занжирдай уланаверди.

2014 йил ёзида Тошкентда "Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни" мавзуида халқаро анжуман бўлиб ўтган эди. Юртимиздаги таниқли бобуршунос олимлар, шоиру адиблар жамланган бу йиғинга 15 га яқин хориж давлатларининг Сизга ихлосманд олиму уламолари, фозилу фузалолари ҳам ташриф буюрдилар. Улар бир-бирларига Сизнинг саломларингизни айтиб шодландилар. Сиз ҳақдаги илмий, адабий қарашларини, ўз халқининг Сизга ва Сизнинг асарларингизга муносабатларини айтиб ўртоқлашдилар. Анжуманни Андижонда ташкил этилиб бугун Ер куррасининг бир неча жойларида шўъбалари фаолият кўрсатаётган Бобур халқаро жамоат фонди ташкиллаштирган эди.

Сизнинг илмий-бадиий, ижодий меросингизни мукаммал ўрганишга тушган олам бобуршуносларининг маърузаларини тингларканман, бир эътирофга амин бўлдим ўшанда: Бобур учун дунё ва дунё учун Бобур уйғоқ ва қадр-қимматли.

Андижонда... Ў... Андижонда янгиликлар, яхшиликлар жуда кўп, ҳазрат-бобо... Дарвоқе, жорий 2017 йилни андижонликлар ўзига хос тарзда "Заҳириддин Муҳаммад Бобур йили" ҳам дея номлашди. Ҳар бир муассасада, ҳар бир ўқув даргоҳида, ҳар бир хонадонда соғиниб йўқланаяпсиз, бобо. Шеърларингиз ҳар бир кўнгилнинг мулкига айланиб бормоқда. Каттаю кичик Сизга эҳтиромда. Менинг олти ёшли набирам Муслимахон ҳам сиз ҳақда шеърлар ёдлаган. Сизни кун сари яхшироқ таниб боряпти. Сиздан салкам олти аср кейинги бу авлод вакилларининг энг яқин, энг қадрдон, ибратомуз бобосига айланиб бўлдингиз.

Сиз юракда бутун ИШҚ билан ҳамиша, ҳаммага яхшилик илингансиз, ҳазрат бобо. Бобур жамоат фонди ўз фаолиятига сизнинг бу фазилатингизни ҳам сингдирган кўринади. Ахир, шу кунгача фақат сизнингина эмас, неча бир аллома аждодларимизнинг — шоиру, олим боболаримизнинг ҳам хорижда қўним топган қадамжоларини обод қилишга бош-қош бўлмоқда. Бу илму адабиёт намояндаларига ҳамиша яхшилик илинган Сиздай дарёдил инсонга маъқул келиши табиий.

Бундай эзгу ҳимматдан баҳраманд бўлганлар рўйхатининг бошида ҳазрат Навоий турибдилар. Бу мутафаккир бобомизнинг қўшни Афғонистонда мунғайибгина қолган паришон қабрлари бугун жамоат фонди раиси Зокиржон Машрабов жонкуярлиги, фидойилиги боис ажойиб зиёратгоҳга айланди. Қарангки, Афғонистондаги Алишер Навоий мақбарасида бизнинг машҳур ғозғон мармаридан ўзбекнинг нуроталик таниқли устаси Тоҳиржон Раҳимов тайёрлаган ёдгорлик салобат тўкиб турибди. Бу залворли ёдгорлик тошини Андижондан автоуловга ортиб ёши саксондан ошган Зокиржон Машрабов бошчилигида хийлагина нотинч Афғонистонга олиб борилишини кўз олдига келтирган одам Сизнинг, ўзбек халқимизнинг Ҳазрат Навоийга бўлган эҳтиромини аниқ-тиниқ ҳис қила олади.

Дарвоқе, халқаро Бобур жамоат фонди дейилиши биланоқ ҳамманинг кўз ўнгида намоён бўлувчи Зокиржон Машрабов хусусида. Назаримда, эътиқоди бутун бу фидойи инсоннинг Сизга бўлган эҳтироми беқиёслигини бугун бутун дунё билиб турибди. Ҳазрат бобо, ҳамма халқнинг ҳам мана шундай фидойижон боласи бўлсин экан-да. Буни, назаримда, Сиз ҳам пок руҳингиз ила сезгандайсиз... Бу хулосага асосим бор.

... Таваллуд кунингизда Сизга таниш Боғишамолда жойлашган халқаро Бобур жамоат фонди идорасида ўтказилиши одатга айланган машварат(халқаро илмий-амалий симпозиум)ларнинг бирида Зокиржон Машрабов қатнашчиларга Сизнинг янги чоп этилган "Ғарибинг андижонийдур" номли девонингизни янги узилган нондек тақдим қилдилар. Уйга келибоқ девонни астойдил варақлаб ўқий бошладим. Ҳали шу кунгача бирор марта кўзим тушмаган кўп ғазаллар, рубоийлар билан учрашдим. Ҳайрату ҳузур ила бойидим, бобо. Мана бу рубоийингиз эса... бир-икки ўқишимдаёқ хотирамга михланиб қолди:

Асру кўп эмиш журьату ҳиммат сизга,
Рўзий қилгай Ҳудой нусрат сизга.
Мардоналиғингизни бори эл билди,
Раҳмат сизга, ҳазор раҳмат сизга.

Ёпирай... ҳазрат бобо, ўзингиздан беш аср кейин яшайдиган ҳар бир андижонликнинг кўнглини тўлдирган ғурур ва миннатдорликни олдиндан сезгандай битган бу рубоийингиз билан янада улуғворроқ кўриндингиз кўзларимга.

"...Ҳазор раҳмат Сизга..." — миннатдорлигингиз акс этган бу сатрдан кейин кўз ўнгимда асли табиатшунос олим, бугун халқаро Бобур жамоат фондининг раиси, барча илмий экспедициялар раҳбари Зокиржон Машраб гавдаландилар. Ҳамма билади, у кишининг раҳбарлигида "Бобур изидан" экспедицияси ташкил қилиниб, фаолият бошлагандан буён озмунча иш қилиндими?!

Экспедиция аъзолари Сизнинг номингиз етган ярим дунёни айланиб чиқдилар. Ҳазрат бобо, миннат эмас, самимий эътироф шуки, қаерда эканидан қатъи назар, Сизга тегишли бўлган мақбара, масжидлар зиёрат қилинди, таъмирталаблари таъмирланди. Сафарлар давомида ҳали бизга етмаган асарларингиз, Сиз ҳақда битилган тадқиқот китоблар, неча бир табаррук қўлёзмалар, ашёлар топилди. Энг муҳими, табаррук хокингиз Андижонга олиб келиниб, Боғишамол масканида "Боғи Бобур" ташкил қилинди. Рамзий мақбарангиз яратилиб, зиёратгоҳ пайдо бўлди. Неча ўнлаб асарларингиз, сиз ҳақдаги неча ўнлаб илмий тадқиқотлар катта ададда чоп этилиб, дунё бобуршуносларига, Бобур мухлисларига тақдим этилди. Бугун "Боғи Бобур"даги экспонатларга бой "Бобур ва жаҳон маданияти" музейи мухлисларингиз билан доим гавжум.

Таваллудингизнинг 510 йиллиги муносабати билан фойдаланишга топширилган "Боғи Бобур" йил сайин, кун сайин сўлимлашиб кетди-да ўзиям. Ҳозир унинг ҳудуди 357 гектарни ташкил этади. Сиздек ўғлонини соғинган, суйган халқимиз болаларини етаклаб, "Бобур мирзо зиёратига борамиз" деб ташриф буюрадилар бу ерга. Пойингизга гуллар қўйгач, "Бобур ва жаҳон маданияти" музейини томоша қиладилар. Бу ерда халқаро илмий экспедиция томонидан дунёнинг тўрт бурчидан олиб келинган ноёб қўлёзмалар, китоблар ва тарихий ашёларни ҳайратланиб кўрадилар. Бу боғда илм бор, адабиёт бор, мевали ва манзарали дарахтзорлар, ноёб зайтунзор, гулзорлари хушбўй хиёбонлар бор. Ўзбекона сўрилар, ўзбекча чойхона, ўзбекча давралар, нафис мажлислар, дилкаш суҳбатлар бор. Ҳар бир дарахт, гулу гиёҳ бу ерда Сиз ҳақда сўзлаётганга ўхшайди.

Андижоннинг яна бир чиройли гўшаси — шаҳарга кириш майдонида Сизнинг тулпор миниб кетаётган кўринишдаги ҳайкалингиз ўрнатилган, Ҳазрат бобо. Худди "Боғи Бобур"дай бу маскан ҳам чинакам зиёратгоҳ бўлиб қолган. Байрамларда, муҳим саналарда жуда гавжум бўлиб кетади. Биласизми, юрт ҳимоясига ўзини бахш этган аскар йигитлар, ҳарбий қасамёдини шу зиёратгоҳда — сизнинг пойингизда ўтказишга одатландилар. Сиз суйган, сиз эъзозлаган Ватанни асраш, уни бало-қазолардан ҳимоя қилиш қасамини нигоҳингизга кўз тикиб айтадилар. Бундай тадбири машваратга аскар йигитларнинг ота-оналари, қариндошлари ҳам ташриф буюришади. Ҳазрат бобо, тулпордаги Бобурмирзо қошида туриб уларнинг кўнгилларидан шундай таъриф — сўз ўтади. Бу таърифни шеърга солишга ҳаракат қилдим:

Гул бўйин ол, уч насим бу макон
гул маконидур,
Яшнаган кўм-кўк замини,
тиниқлик осмонидур.

Тавоф айла учар тулпор узра
турган суворийни,
Суворий — ҳайратга ошиқ
юракларнинг ҳоқонидур.

Кўрди афғон, кўрди ҳинд, ул,
бошидин тож тушмайин,
Етмиш икки томрида оққан
туркийнинг қонидур.

Шуҳратига гоҳ кесак,
гоҳ беаёв тош отдилар,
Бир ғубор юқтирмаган лойда
гавҳарми... шонидур.

Бу кўнгил дарду соғинчга
бирдайин бўлди макон,
Шоир ўлмишлик
ўшал дардмандлиғ нишонидур.

Беш асрким руҳидин тўкилгай
соғинчлари,
Дуолар бул кун ижобат,
айрилиқ энди фонийдур.

Бу кун озод Ватан ичра учар
тулпорда айтур сўз:
"Ғарибингга тараҳҳум айлагилким
Андижонийдур".

Замира РЎЗИЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

*Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат-нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан давлат гранти ажратилган **"Ўтмиши улуғ халқнинг келажаги ҳам буюк бўлади"** номли лойиҳаси асосида чоп этилмоқда.*

Паралимпиячиларда ғалаба

СПОРТ

Ўтган йилнинг ёз фаслида спортчиларимиз халқимизга катта ютуқларни инъом этишган эди. Жумладан, юртимиз атлетларининг Олимпиада ва Паралимпия ўйинларидаги мардонавор курашлари ҳали ҳеч биримизнинг кўз ўнгимиздан кетганича йўқ. Албатта, «Рио—2016» мусобақалари тарихга айланди. Галдаги вазифа эса «Токио—2020» Олимпия ва Паралимпия ўйинларига муносиб атлетларни тайёрлашдан иборат. Шу боисдан спортчиларимиз, айниқса паралимпиячиларимиз тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган.

Гап шундаки, 14—23 июль кунлари Буюк Британия пойтахти Лондонда пара-атлетика бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Имконияти чекланган атлетлар ўртасидаги ушбу нуфузли мусобақада дунёнинг 1300 га яқин спортчилари 213 та медаллар жамланмаси учун кураш олиб борди. Биз учун қувонарлиси эса 2016 йил Паралимпия ўйинларида мамлакатимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган йигит-қизлар дунё биринчилигидан, ҳам юксак натижаларни қайд этишди. Пара-атлетика бўйича жаҳон чемпионатида терма жамоамизнинг етти нафар аъзоси ватанимиз шарафини ҳимоя қилди. Якунда спортчиларимиз 7 та медални қўлга киритиб-гина қолмай, битта жаҳон ва битта Осиё рекордини янгилашди.



Эркаклар ўртасида енгил атлетиканинг диск ва ядро улоқтириш турлари бўйича кечган мусобақаларда «Рио—2016» Паралимпия ўйинлари чемпиони ва рекордчиси Ҳусниддин Норбеков бу гал ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Диск отиш спорт турида Ҳусниддин олтин, ядро улоқтириш беллашувларида эса 14,87 м натижа билан кумуш медалларни қўлга киритиб, Ўзбекистон вакиллари ҳисобига 2 медаль қўшди.

Найза улоқтириш бўйича «Рио—2016» Паралимпия ўйинлари ҳамда Боку— 2017 «Ислом бирдамлик ўйинлари» рекордчиси Александр Свечников ва узунликка сакраш баҳсларида Дониёр Солиев олтин медал билан тақдирланишди.

Аёллар ўртасида кечган беллашувда эса ҳамюртларимиздан София Бурҳонова ва Нозимахон Қаюмова юртимиз шарафини ҳимоя қилди. Айтиш керакки, қизларимиз ҳам йигитлардан қолишгани йўқ. Улар ҳам Ўзбекистон номини муносиб ҳимоя қилишди. Жумладан, ядро ва диск улоқтириш баҳсларида София чемпионатда икки марта иккинчи натижани қайд этиб, кумуш медаллар билан тақдирланди. Узоқ масофага найза улоқтириш беллашувларида иштирок этган ҳамюртимиз Нозимахоннинг ҳам натижаси ёмон эмас. Унинг юзга яқин давлат вакиллари ичида иккинчи ўринни олиши кичик натижас эмас, албатта.

Жобир РАЗЗОҚОВ

ASAKA BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР !
«Асака» банк
2017 йил «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилиниши муносабати билан қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«МАНФААТЛИ-2017»
Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Шу билан биргаликда, «Асака» банк миллий валютада 26 турдаги ва хорижий валютада 13 турдаги қулай шартларда омонат турларини таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалларида расмийлаштириш мумкин.

Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси томонидан кафолатланади.

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

(+99871) 120-39-81 | 120-39-60 | 120-39-63
www.asakabank.uz
Хизматлар лицензияланган

«Асака» банк сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Reklama

HURRIYAT
Mustaqil gazeta
Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080-рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2. *Баҳоси келишилган нархда*
Адади: 2700 Буюртма — S-9623 1 2 3 4 5

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлиб, улар муаллифларга қайтарилмайди.
Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-88
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (0-371) 244-32-91
Топшириш вақти — 20⁰⁰ **Топширилди** — 18⁰⁰

ISSN 2010-7528
Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва оператор Нигора Ташева томонидан саҳифаланди.
Навбатчи: Элмурод Нишонов
"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: **Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.**